

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ISLOM

WWW.ISLOM.UZ

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал (7-сон, Ражаб, 1434)



www.islom.uz

“ОХИРАТ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ”

Парвоз жойи: Дунё
Қўниш жойи: Охират
Учиш соати: ажал вақти
Йўловчи номи: Инсон
Чипталар фақат бориш учун сотилади.

Ўзи билан бирга олиб кетишга ижозат берилган нарсалар:
– беш метр оқ мато;
– солиҳ амал;
– фойдали илм.
Йўловчиларга булардан бошқа нарсалар олиб кетишга рухсат йўқ.

Сафарлари кўнгилли ўтишини истаган йўловчиларга Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги кўрсатмаларга амал қилиш тавсия этилади.

Сафар давомида йўловчиларга бериладиган саволлар:
– умрингни нимага сарфладинг?
– ёшлигингни қандай ўтказдинг?
– мол-дунёни қай йўл билан топиб, қаерларга сарфладинг?
– Аллоҳ учун нималар қила олдинг?

Эслатма: тақво камари билан белни маҳкам боғлаганлар учун сафарнинг беҳатар ўтиши кафолатланади.



Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. -4сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер: Беҳзод Вафоев

БИЛАҒОНЛИК ҚИЛМАНГ!

Кундалик ҳаётда турли давраларда бўлишга, ҳар хил касб эгалари билан суҳбат қуришга, баъзи одамлар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Чунки инсон ёлғизликда яшашга ўрганмаган. Бундай учрашув жойларида одам билмаганларини ўрганади, билганларини ўргатади, ўзининг ҳаёт тажрибасини орттиради.

Аммо кейинги пайтларда бир нохуш ҳолатга гувоҳ бўлишга тўғри келиб қоляпти. Бу ҳам бўлса, диний илмларда ҳамманинг билағон бўлиб кетганидир. Бунинг нимаси ёмон демоқчимисиз? Аслида, диний илмларни билиш, айниқса чуқур билиш жуда яхши иш. Динимиз илм динидир, муслмонларни билимли бўлишга чақиради. Аммо дин илмида билимсиз ёки билими саёз бўлгани ҳолда билағонлик қилишдан, тушуниб-тушунмай одамларга "бўлаверади" ёки "бундай қилиб бўлмайди" деб йўл кўрсатишдан, шаръий масалалардан хабардор бўлмагани ҳолда фатво беришдан қайтарилади. Бир жарроҳ тажрибасизликдан нотўғри амалиёт қилиб қўйса, бир кишини ногирон қилиб қўйиши мумкин. Аммо диний илмдан хабари йўқ кимсанинг биргина "фатво"си билан қанча одамнинг онги ва эътиқоди "ногирон" бўлади. Энг даҳшатлиси, бу билан ҳатто қанча одамнинг охирати бой берилишига сабабчи бўлиб қолиш мумкин.

Ваҳоланки, олдинги пайтда бунинг акси бўлган. Дунё таниган олимлар ҳам бир кишининг дин бора-сидаги саволига етти ўлчаб, атрофлича мулоҳаза қилиб, сўнг жавоб беришган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг: "Фатво беришга шижоатлигингиз оловга (дўзахга) шижоатлигингиздир", деган ҳадиси шарифлари бор.

Улуғ саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) бундай деганлар: "Илм учтадир: гапирувчи Китоб (яъни Қуръони карим), қоим суннат ва "мен билмайман" дейиш". Баъзи уламолар Ибн Умарнинг бу сўзларини ҳадис ҳам дейишади. Имом Мановий ушбу ривоят шарҳида бундай фикр билдирган: "Билмайдиган нарсасини "билмайман" дейиши олимнинг қадрини туширмайди, аксинча даражасини кўтаради. "Билмайман" дейиш олим даражасининг улуғлигига,

динининг қувватига, Раббига тақвосига, қалби поклигига, маърифати комиллигига, нияти чиройлилигига далилдир. Диёнати заиф, маърифати оз кишигина бундай дейишдан қўрқади, чунки у Аллоҳ ҳузурини эмас, одамлар кўзида шарманда бўлиш, обрўсизланишдан қўрқади".

Аждодларимиз билағонликдан, бирор масалани сўраб келганга дарров жавоб қайтаришдан тийилишган. Асри саодатда саҳобийлар ҳузурини бирор киши масала сўраб келганида "мендан кўра фалончи билимлироқ", деб уни бошқа бир саҳобийга йўллашар, у ҳам ўз навбатида бошқасига юборар, гоҳо сўровчи шу тариқа айланиб-айланиб яна биринчи саҳобийга рўпара бўлар эди.

"Билмаган нарсаларимни оёғим остига қўйганимда бошим кўкка етарди", деган эканлар мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ алайҳ). Моликия мазҳаби асосчиси Молик ибн Анасдан (раҳимаҳуллоҳ алайҳ) тўрт юз масала сўралса, уч юз тўқсон олтитасига "билмайман" деб жавоб берган экан. Ҳужжатул-ислом Имом Ғаззолий айтганлар: "Билмайман" дейиш илмининг ярмидир. Ким Аллоҳ учун билмаган нарсаси ҳақида сукут қилса, гапирганидан кам савоб олмайди, чунки бу борадаги билимсизлигини эътироф қилиши нафсига оғир келади".

Имом Мухосибий ўз китобида бундай деган: "Бир киши то билгунича сўрашдан уялмаса, билмаган нарсаси ҳақида сўралганида "билмайман" дейишдан уялмайди". Абу Толиб Маккий: "Аллоҳдан қўрқиб сукут қилиш гўзаллиги илм билан гапиргандаги гўзаллик кабидир", деган.

Хулоса шуки, ҳатто олим бўлсангиз ҳам "билмаман" дейишдан сақланинг. Зеро, олимнинг салоҳияти унинг ҳар нарсага топган жавобида эмас, балки нима дейишида ё сукутида аён бўлади. Киши ўзининг нимани билмаётганини англаши билганларининг энг муҳимидир. Яна ҳазрати Навоий айтганларидай: "Оқил чин сўздан ўзгани демас, аммо барча чинни демак — оқил иши эмас". Олимлар-ки билағонликдан шунчалик ҳазар қилишган, эҳтиёт бўлишган экан, дин илмидан хабарсиз кишиларнинг шаръий масалаларда ўзларича "фатво" беришларига йўл бўлсин!

“АГАР АЛЛОҲГА ТАВБА ҚИЛСАНГИЗ...”

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

“Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз, батаҳқиқ, қалбларингиз (ҳаққа) мойил бўлибди. Агар унга қарши чиқсангиз, бас, албатта, Аллоҳ унинг ёрдамчисидир ва Жаброил ҳам, солиҳ мўминлар ҳам. Ундан сўнг фаришталар унга суянчиқдир” (Таҳрим сураси, 4-оят).

إِنْ تَوْبَا إِلَى اللَّهِ فَقَدْ صَغَتْ قُلُوبُكُمَا وَإِنْ تَظَاهَرَا عَلَيْهِ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ مَوْلَاهُ وَجِبْرِيلُ وَصَالِحُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمَلَائِكَةُ بَعْدَ ذَلِكَ ظَهِيرٌ

Бу оятни тўлиқ тушуниш, ўша пайтдаги ижтимоий ҳолатдан хабардор бўлиш учун имом Аҳмад ибн Ханбал «Муснад» китобларида келтирган ривоятни ўрганишимиз даркор.

Ибн Аббос айтадилар: «Ҳазрати Умардан Аллоҳ таоло Қуръонда «Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз, батаҳқиқ, қалбларингиз (ҳаққа) мойил бўлибди», деб айтган Пайғамбаримизнинг икки аёллари кимлар эканини сўрашга ҳарис бўлиб юрардим. Умар ҳаж қилганларида, мен ҳам ҳаж қилдим. Йўлда Умар четга чиққан эди, мен ҳам четга чиқдим. У қазои ҳожат қилди. Қайтиб келган эди, қўлига сув куйдим. У таҳорат қилди. Мен унга:

«Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло «Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз» деган оятида Пайғамбаримизнинг қайси аёлларини назарда тутган?» деб сўрадим. У киши:

«Ажойибсан-да, Ибн Аббос, улар Ҳафса билан Оиша», дедилар-да, қиссани бошидан бошладилар: «Биз қурайшликлар аёлларга устун келадиган қавм эдик. Мадинага келсак, уларнинг хотинлари устун келар экан. Бизнинг хотинлар ҳам уларнинг хотинларидан ўргана бошладилар. Менинг уйим Умайя ибн Зайднинг Аволийдаги ҳовлисида эди. Бир куни хотинимдан аччиғим чиққан эди, қарасам, менга гап қайтаряпти. Унинг бу ишини инкор қилсам:

«Набий алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам у кишига гап қайтарганда, ҳатто баъзилари бир кун-ярим кун

гаплашмай юрганда, мен гап қайтарсам, нима бўпти?!» дейди.

Зудлик билан Ҳафсанинг олдида бориб:

«Набий алайҳиссаломга гап қайтарасанми?» деб сўрадим.

«Ҳа», деди.

«Сизлардан баъзиларингиз у киши билан бир кун-ярим кун гаплашмай ҳам юрадимиз?» десам,

«Ҳа», деди.

«Ичларингизда ким шу ишни қилса, ноумид бўлибди ва ютқазибди, дедим. – Ораларингизда қай бирингиз Расулнинг ғазаби туфайли Аллоҳнинг ғазабига учрашдан омон қолиши мумкин?! Ундай бўлса, ҳалокатга учрайди. Сен у кишига гап қайтармагин, бирор нарса ҳам сўрамагин, мендан сўра, сенга мол-дунё керак бўлса, мен бераман, сенинг қўшнинг чиройлироқ, Расулulloҳга маҳбуброқ бўлиши кўнглингни бузмасин», дедим.

Менинг ансорийлардан бир қўшним бор эди. Расулulloҳнинг ҳузурларига навбат билан тушардик. Бир кун у тушарди, бир кун мен тушардим. У менга ваҳий ва бошқа хабарларни келтирарди. Мен ҳам унга шундай хабарларни келтирардим. Ўша кунлари Ғассон қабиласи бизга ғазот қилиш учун отларни тайёрлаётганини ўзаро гаплашиб юрардик. Қўшним бир кечаси келиб, эшигимни тақиллатди ва мени чақирди. Унинг олдида чиқдим. У:

«Катта иш содир бўлди», деди. Мен:

«Нима бўлди, Ғассон қабиласи келдимиз?» дедим. У бўлса:

«Йўқ, ундан ҳам улканроқ иш бўлди. Расулulloҳ хотинларини талоқ қилдилар», деди. Мен:

«Ҳафса ноумид бўлибди ва ютқазибди, шундай бўлиб қолмасайди, деб юрган эдим», дедим.

Эрталаб бомдод намозини ўқиб, кийим-бошни кийиб, Ҳафсаникига борсам, йиғлаб ўтирган экан. Мен:

«Расулulloҳ алайҳиссалом сизларни талоқ қилдиларми?» дедим. У:

«Билмайман, анави жойда ҳаммадан ажраб олганлар», деди.

Қора танли ғуломнинг олдига бордим-да: «Умарга изн сўраб бер», дедим. У ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин чиқиб:

«Сени эслатсам, индамадилар», деди. Минбар томон борсам, у ерда бир тўп одам ўтирибди, баъзилари йиғлашяпти. Бир оз ўша ерда ўтирдим. Кейин чидай олмадим-да, ғуломнинг олдига бориб:

«Умар учун изн сўраб кўр», дедим. У ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг чиқиб:

«Сени эслатган эдим, индамадилар», деди. Чиқиб, яна минбарнинг ёнида ўтирдим. Чидай олмай, яна ғуломнинг ёнига бордим ва:

«Умар учун изн сўраб кўр», дедим. У ичкарига кириб, қайтиб чиқди-да:

«Сени эслатган эдим, индамадилар», деди. Орқамга қайтиб кетаётган эдим, бирдан ғулом чақириб қолди:

«Киравер, сенга изн бердилар», деди. Кириб, Расулulloҳга салом бердим. Бўйрага ёнбошлаб олган эканлар, ёнларига ботиб, изи тушиб қолибди.

«Хотинларингизни талоқ қилдингизми, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим. У киши бошларини кўтариб, менга қарадилар-да:

«Йўқ», дедилар. Мен:

«Ўзингиз биласиз, эй Аллоҳнинг Расули, биз қурайшликлар аёлларга устун келадиган қавм эдик. Мадинага келсак, уларнинг хотинлари устун келар экан. Бизнинг хотинлар ҳам уларнинг хотинларидан ўргана бошладилар. Бир куни қарасам, хотиним менга гап қайтаряпти. Мен буни инкор қилсам, «Набий алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам у кишига гап қайтарганда, ҳатто баъзилари бир кун-ярим кун гаплашмай юрганда, мен гап қайтарсам нима бўпти?!» деди. Мен «Ким бу ишни қилса, ноумид бўлибди ва ютқазибди. Ораларингизда қай бирингиз Расулнинг ғазоби туфайли Аллоҳнинг ғазобига учрашдан омон қолиши мумкин?!» дедим».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилдилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен Ҳафсанинг олдига кирдим ва унга «Қўшнингнинг сендан чиройлироқ ва Расулulloҳга маҳбуброқ бўлиши кўнглингни бузмасин», деб айтдим», дедим.

У зот яна табассум қилдилар. Мен:

«Ўтирсам майлими, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим.

У киши:

«Ҳа», дедилар.

Ўтиргач, бошимни кўтариб, уйга назар солдим ва Аллоҳга қасамки, у зотнинг ҳайбатларидан ўзга кўзга илинадиган нарсга тополмадим. Сўнг:

«Эй Аллоҳнинг Расули, умматингизга дуо қилинг, ризқи кенг бўлсин. Аллоҳга ибодат қилмайдиган форс ва румликларнинг ҳам ризқи кенг-ку», дедим. У киши туриб ўтирдилар ва:

«Эй Ибн Хаттоб, сен шакдамисан? Улар бу дунёда ризқлари шошилиш берилган қавмлардир», дедилар. Мен:

«Гуноҳимни Аллоҳ кечиришини сўранг», дедим.

У киши хотинларидан кўрган ҳолатнинг шиддати-дан бир ойгача уларнинг олдига кирмасликка қасам ичган эканлар, Аллоҳ у кишини итоб қилди».

Бу қиссани имом Бухорий ва имом Термизийлар ривоят қилишган.

Юқорида зикр қилинган ҳолатларда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Набий алайҳиссаломнинг хотинлари пок аёллар, дунёдаги энг бахтли хотинлар, «мўминларнинг онаси» деган юксак унвонга муносиб бўлган оналаримиздир. Уларнинг феъллари жуда ҳам улкан. Лекин шу билан бирга, Ислоҳ – воқеълик дини бўлгани учун лой ва руҳдан бўлган инсонларга ўз таълимотларини жорий қилади. Яъни, оналаримизда ҳам бошқалардаги каби, инсон табиатига хос бўлган рашк, бошқалардан кўра афзалроқ бўлишга уриниш каби туйғулар бор. Бу эса айб эмас, балки кейинчалик умматларга шариат бўлиб қоладиган ишларга сабаб бўлган. Ўз навбатида, Набий алайҳиссалом улар билан жуда яхши муомалада бўлар эдилар. Оиша онамиз: «У киши аёллари билан холи қолганларида энг мулойим, карамли, серкулги ва сертабассум киши бўлардилар», деб ривоят қилганлар.

Сурадаги айрим оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақида Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилинган ривоятда шундай дейилади:

«Умар ибн Хаттобга:

«Бу икки аёл кимлар?» дедим. У киши:

«Оиша билан Ҳафса», дедилар. Гапнинг боши Иброҳимнинг онаси Мория ҳақида бўлган. Расулulloҳ Морияга Ҳафсанинг уйида яқинлик қилган эканлар. Буни Ҳафса билиб қолиб:

«Эй Аллоҳнинг Набийси, менга нисбатан ҳеч бир хотинингизга қилмаган ишни қилдингиз, навбат кунимда, уйимда, тўшагимда шу иш бўлди», деди. Набий алайҳиссалом:

«Уни ўзимга ҳаром қилсам, яқинлашмасам, рози бўласанми?» дедилар. Ҳафса:

«Ҳа», деди. У зот Морияни ўзларига ҳаром қилдилар ва Ҳафсага:

«Бу гапни ҳеч кимга айтмагин», дедилар. Лекин Ҳафса бу сирни Оишага айтиб қўйди ва шунда Аллоҳ мазкур оятларни нозил қилди».

(“Тафсири Ҳилол”нинг 6-жилдидан)

ИЖАРА ҲАЛОЛ БЎЛСИН!



Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Бани Дийиллик йўлни яхши билувчи бир кишини йўл бошловчи қилиб ижарага олдилар. У Қурайш кофирлари динида эди. Икковлари унга уловларини юки билан бериб, уч кечадан кейин Савр ғори олдида учрашишга ваъдалашдилар. У учинчи кеча тонгида икковлари ҳузурларига уловлари ва юкларини олиб келди ва соҳил йўлидан олиб кетди».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда зикр қилинаётган ва

Пайғамбаримиз ва Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳуга ҳижрат сафарларида ижарага йўл бошловчи бўлган кишининг исми Абдуллоҳ ибн Арийқит эди. Бу ҳадисдан кофир одамни ижарага ишга олиш мумкинлиги билинади.

Ислом уммати доимо ижара жоиз эканига иттифоқ қилиб келган. Чунки кишилар баъзи нарсаларни мулк қилиб олишга муҳтож бўлганларидек, манфаатларни алмашишга ҳам муҳтождирлар. Биров бир нарсани ижарага қўйиб манфаат олмоқчи бўлса, бошқа бир одам бировнинг нарсасини ижарага олиб манфаат кўришга муҳтож.

Бошқа молиявий ва манфаат муаммолари каби ижарада ҳам шаръий далиллар – оят, ҳадислардан олинган қоидалар бор.

Ижарада ижара қўювчи, ижара олувчи, ийжоб ва қабул (ўзаро келишув) ва ажр(ҳақ)лардан иборат рукнлар бор.

Ҳанафий мазҳабида ижаранинг рукни, ийжоб ва қабул холос, дейилган. Бу ақд ижара ва кира лафзлари ва улардан олинган бошқа сўзлар билан тузилади.

Ижаранинг тўғри, ҳалол-пок бўлиши учун бир қанча шартлар мавжуд бўлиши лозим

1. Ижарада иштирок этувчи тарафларда мавжуд бўлиши лозим шартлар:

а) Ижара ақди тузувчи оқил бўлиши керак.

Мажнун ва ақли тўлишмаган ёш боланинг тузган ижара ақди ўтмайди.

б) Ҳанбалӣй ва Шофеъӣй мазҳаблари балоғатга етган бўлиши ҳам шарт, деганлар.

Ҳанафий мазҳабида ёш болага ўз мулкида тасаруф қилишга изн берилган бўлса, унинг тузган ижара ақди ҳам жоиз. Бўлмаса, валийсининг рухсатига боғлиқ бўлади, дейилган.

2. Ижаранинг татбиқ бўлиш шартлари:

а) Тузилган ижара ақди амалга ошиши учун ижара тузувчи манфаатга молик бўлиши керак. Мисол учун у ўз мулкидаги уйни ижарага қўя олади.

б) Ижара ақди тузувчи моликиннинг валийси бўлиши керак. Яъни, масалан, молик кичкина бола бўлса, унинг молига боғлиқ ижарани унинг валийси қилади.

Бундан бошқалар ижара ақдини туза олмайдилар. Мисол учун, бир одам ўз мулки бўлмаган нарсани ижарага қўя олмайди. Шунингдек, ўғри ўзи ўғирлаган, зolim тортиб олган нарсаларини ижарага қўйсалар ҳам шаръан амалга ошмайдиган ақд бўлади.

Ижара саҳиҳлигининг шартлари қуйидагилар:

I. Ижарага оид шарт.

1) Икки томоннинг розилиги.

II. Ижара қилинган нарсадаги шартлар:

1) Ижара қилинган нарса низони ман қиладиган даражада маълум бўлиши шарт.

Бунда ундан келадиган манфаат очиқ-ойдин бўлиши, шунингдек, муддати, ишга оид бўлса, қиладиган иш ҳам аниқ бўлиши шарт.

Ундан келадиган манфаат очиқ-ойдин бўлиши шарт деганимиз, мисол учун, биров ушбу икки уйдан бирини сенга ижарага бердим, деса, ижара дуруст бўлмайди. Чунки манфаат берадиган маҳал аниқ эмас. Кейин низо чиқиши турган гап.

Муддат аниқ бўлиши шарт, дейилганида ҳам худди шу сабаб кўзда тутилган. Муддат маълум бўлмаса, манфаат ноаниқ бўлади, кейинчалик низо келиб чиқади.

Ижара ишга оид бўлса, қилинадиган иш очиқ-ойдин бўлиши шарт, дейилганда ҳам айна шу ҳикмат кўзда тутилган.

Бировни қиладиган ишини аниқ айтмай ишга олишда ҳам ноаниқлик бор, кейин низо келиб чиқиши мумкин. Аввало, иш нимадан иборат эканлиги аниқ

айтилиши керак. У иш қурилиши, қассобчиликми, деҳқончиликми ёки бошқами, аниқ бўлиши шарт. Кейин эса ўша ишнинг миқдори ва сифатига ҳам келишиб олинади. Сенга фалон пул бераман, битта чуқур қазиб берасан, дейиш билан иш битмайди. Чуқурнинг кенглиги қанча, чуқурлиги қанча, ернинг қаттиқлиги ва бошқа майда-чўйдалари ҳам келишиб олиниб, икки томон рози бўлганидан кейин иш бошланади.

2) Ижара қилинган нарса ҳақиқатда ҳам, шариатда ҳам фойдаланиш мумкин нарса бўлиши керак.

Мисол учун, қочиб кетган уловни ижарага қўйиш мумкин эмас. Чунки ҳақиқатда ундан фойдаланиб бўлмайди. Шунингдек, ҳайз кўрган аёлни масжидни супурушга ишлатиб бўлмайди. Чунки шариатда ҳайзли аёлнинг масжидга кириши мумкин эмас.

3) Ижара қилинган нарса шаръан жоиз бўлиши шарт. Гуноҳ бўладиган нарсаларга ижара қилиб бўлмайди. Одам ўлдириш, ҳаром ишларни қилиш, сеҳр ўргатиш каби ишларга ўхшаш.

4) Ижарага қилинадиган иш ижарадан олдин иш бажарувчига фарз ёки вожиб бўлмаслиги шарт. Шунинг учун ҳам ижарага намоз ўқиб, рўза тутиб ва бошқа ибодатларни қилиб бўлмайди.

Шунингдек, Ҳанафийларнинг: «Ўз зиммасидаги нарсага ижара ҳақи олиш жоиз эмас», деган қоидалари ҳам бор. Шунинг учун аёл ўз уйи хизматлари учун эридан ҳақ талаб қилмайди. Чунки бу унинг ўз хизматиридир.

5) Ижарага иш қилган одам ўша ишдан ўзи манфаат олмаслиги керак.

Шунинг учун ҳам тоат-ибодатларга ижара жоиз эмас. Чунки уларни бажарган одам ўзи биринчи ўринда манфаат олади. Бировга ушбу бугдойни тортиб, ун қилиб берсанг, иш ҳақинга ўша ундан бунча олсан, дейиш ва шунга ўхшаш ишлар ҳам шу қаторга кирадими, йўқми, деган масалада Ҳанафий ва Шофеъӣй мазҳаблари киради, деганлар. Ҳанбалӣй ва Моликий мазҳаблари эса кирмайди, деганлар.

III. Ижара ҳақи учун бериладиган нарсадаги шартлар:

1) Ижара ҳақи учун бериладиган нарса маълум, вужуди бор мол бўлиши шарт.

Номаълум нарсани ижара ҳақи қилиб бўлмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким биров билан ижара муомаласи қилса, ижара ҳақини маълум қилсин», деганлар.

Шу маънода иш ҳақига таомни қўшиб бўлмайди, чунки у қанча бўлиши маълум эмас.

2) Ижара ҳақи ижарага қўйилган нарсанинг жинсидан бўлмаслиги шарт.

Мисол учун бировнинг уйида ижара тургани ҳақиға ўзининг уйини яшашга бериб туриши мумкин эмас. Бу ҳолда рибога ўтиб қолади.

Ижарага оид масалалар кўп бўлиб фикҳ китобларимизда анчагина саҳифаларни эгаллагандир. Ижара иш билан шуғулланадиган кишилар ўша маълумотларни яхшилаб ўрганиб олишлари лозим.

МУСТАКРАҲ АМАЛЛАР

“Мустакраҳ” сўзи луғатда “енгил макруҳ” маъносида, истилоҳда Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ёқтирмаган ва зарурлигини ҳам уқтирмаган ишлар бўлиб, яхши амаллар қаторида зикр этилмаган амалдир. Мустакраҳ ишни қилиш катта гуноҳ бўлмасда, майда гуноҳ ва одобсизлик ҳисобланади. Уларнинг машҳурлари қуйидагилар:

1. Овқатни ва ичимликни иссиқ ҳолда истеъмол қилиш.
2. Сувни муздек ҳолда ичиш.
3. Бир ўтиришда турли-туман овқатларни кўп еявериш.
4. Бировнинг еяётган овқатига назар солиб туриш.
5. Луқмани катта олиб ейиш.
6. Овқат келадиган томонга қараб туриш.
7. Лағандаги таомнинг ўртасидан олиб ейиш.
8. Еган луқмасини оғзидан тўкиб ейиш.
9. Овқатни яхши чайнамай ютиш.
10. Овқатланаётган пайтда кўп сўзлашиш.
11. Овқат устига қўл силташ.
12. Бошини идиш устига энгаштириб овқатланиш.
13. Сувни сигир каби бир нафас билан ичиш.
14. Сувни ётиб ичиш.
15. Қоронғи ерда овқатланиш.
16. Овқатланганда ҳамда сув ичганда овқат ва сув устига нафас қайтариш.
17. Овқатланганда тўхтаб-тўхтаб, яна давом этиш.
18. Қорни роса очмай туриб овқатланиш.
19. Қалайланмаган ёки қўрғошинланмаган мис идишларда овқат ва сув истеъмол қилиш.
20. Синиқ идишларда сув ичиш.
21. Идишнинг дастаси томонидан сув ичиш.
22. Бозорда ва гузар жойларда овқатланиш.
23. Саримсоқ ва хом пиёз еб одамлар ичига аралаштириш.
24. Бозорда одамларнинг кўзи тушган таомларни ювмай ейиш.
25. Тиш орасидаги овқат қолдиқларини чиқариб ейиш.
26. Қўли ва оғзи мойли ҳолда юриш ҳамда ухлаш.
27. Пишмаган ва етилмаган овқатларни ейиш.
28. Ичи кўринмайдиган идишлардан сув ичиш.
29. Оғзидан бироз оқизиб юбормай кўмғон каби идишлардан сув ичиш.
30. Юқумли касаллик билан оғриган беморга кўп қараб туриш.
31. Эснаганда, йўталганда ва аксирганда қаттиқ овоз чиқариш.
32. Эснаганда оғзини чап қўли билан ёпмаслик.
33. Ихтиёрий равишда қаттиқ овоз билан кекириш.
34. Оёқларини бир-бирининг устига қўйиб чалиштириб ўтириш.
35. Бармоқларини қирсиллатиш.
36. Қўл бармоқларини бир-бирига кириштириб ўтириш.
37. Юрганда аланглаб юриш.
38. Қуёшга узоқ қараб ўтириш.
39. Офтоб билан соя ўртасида ўтириш.
40. Аср билан шом ўртасида хат ўқиш.
41. Ҳалок бўлиш хавфи бўлган тарафга чиқиш.
42. Сузишни билмайдиган кишининг кемада ёки қайиқда сафарга чиқиши.
43. Йиқилиб тушиш эҳтимоли бор жойларда ухлаш.
44. Ёвуз кишилар ва йиртқич ҳайвонлар бор жойларда яшаш.
45. Тепадиган, сузадиган ёки тишлайдиган ҳайвонларга яқинлашиш.
46. Тунда уйда ёлғиз ухлаш.
47. Ўтти ўчирмай уйқуга кетиш.
48. Филофсиз қилич, ханжарни қўлдан-қўлга бериш.
49. Қамиш ва анор дарахти чўпидан тиш тозалагич тутиш.
50. Таомни қоронғида тайёрлаш.
51. Дарахт меваларини тунда йиғиб олиш.
52. Меҳмон кутиб олиш учун қарз кўтариш.
53. Ўзидан кўра фақирроқ кишидан садақа олиш.
54. Таомни пичоқ учи билан олиб ейиш.
55. Одамлар ишонмайдиган гапларни гапириш.
56. Суннат амалларни қилмасликка одатланиш.
57. Бирон кишини ғийбат қилиш маъносида кўз қири билан кўрсатиш.
58. Бирон кимсани кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиш.
59. Кўрсаткич бармоғини бирон кимсанинг кўкрагига тираб гапириш.
60. Чўмилаётган ва ювинаётган пайтда турли овозлар чиқариш.
61. Қиз болаларнинг эснаши ва керишиши.
62. Аёлларнинг қарғанишлари ва қичқиришлари.
63. Харид қилаётганда сотувчининг молини камситиш.
64. Меҳмонни ҳадеганда дастурхонга қисташ ва овқатлардан ейишга мажбурлаш.

Сайфуллоҳ АШУРОВ тайёрлаган.



5-ДАРС

- 1) Таяммум ва унинг ҳукмлари
- 2) Таяммум қилиш лозим бўлган сабаблар
- 3) Таяммумнинг шартлари
- 4) Таяммумнинг рукнлари
- 5) Таяммумнинг суннатлари
- 6) Таяммумни бузувчи нарсалар
- 7) Таяммумга ҳам, таҳоратга ҳам қодир бўлмаган киши нима қилади?
- 8) Ҳайз ва нифос
- 9) Ҳайз
- 10) Нифос
- 11) Истиҳоза қони
- 12) Ҳайз ва нифос ҳолатида ҳаром бўлган амаллар.

Таяммум ва унинг ҳукмлари

Биз юқорида билдикки, намоз ўқиш, Қуръонни уш-лаш, масжидга кириш ва шу каби ибодатлар таҳоратсиз ёки ғулсиз дуруст бўлмас экан. Таҳорат ёки ғулс эса ўзи пок ва покловчи сув билан қилинади. Ислоннинг бағрикенглиги ва енгилликларидан яна бири пок сув йўқ ёки сув бор-у уни ишлатиш мумкин бўлмаган вақтда мусулмон кишининг Роббисига қиладиган ибодатининг баракотидан, унинг фойдалари ва якка Аллоҳга қилинган ибодат сабабли ҳосил бўладиган руҳий озуқадан маҳрум қилиб қўймаслик учун таҳорат ёки ғулс ўрнига таяммум жорий қилинган. Аллоҳ таоло шундай дейди: «Агар сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга сур-тинглар» (Нисо сураси, 43-оят).

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ



Таяммум деб таҳорат нияти билан ер жинсидан бўлган пок нарсага қасд қилиб, юзга ва икки қўлга тир-саклари билан қўшиб масҳ тортишга айтилади.

Ояти каримада келган “соъийд” қалимаси ер жин-сидан бўлган кесак, тош ва қумга ўхшаш нарсаларга айтилади.

Таяммум қилиш лозим бўлган сабаблар

1. Ярим соатлик ёки ундан кўпроқ йўл орасида сувнинг йўқлиги; Бу тахминан икки чақиримни ташкил этади, аниқроғи бир чақирим тўққиз юз метрдир.

2. Сув ишлатса касалликдан ёки унинг зиёда бўлишидан ва ё давонинг секинлашишидан ташвиш бўлса.

3. Сув ўта совуқ, инсонга азият етказиб қўядиган даражада бўлса ва уни иситадиган шароит бўлмаса.

4. Агар сувда таҳорат қилса-ю, ўзи ёки шериги ва ҳатто ҳайвони чанқаб, ҳалокатга учраши хавфи бўлса.

5. Ҳамма шароитлар бор-у, лекин таҳорат қилиб келгунча ийд ёки жаноза намозлари ўқиб қўйилиши эҳтимоли бўлса ҳам таяммум қилинади. Чунки бу на-мозларнинг қазоси йўқ. Аммо жума намозига ета ол-маслигини билса ҳам таҳорат қилади. Чунки агар жума қазо бўлса, унинг ўрнига пешин ўқилиши мумкин. Агар намоз қазо бўлиши эҳтимоли юзага чиқса, вақтни эҳтиром қилиш юзасидан таяммум билан ўқиши жоиз. Лекин барибир таҳорати йўқ бўлса, таҳорат олиб ёки жунублик етган бўлса, ғулс қилиб қайтадан ўқийди. Чунки таяммум қилишга сабаб мавжуд эмас.

(Изоҳ: қудуқда сув бор-у, лекин уни чиқариб олиш-

га асбоб йўқ, бу ўринда ҳам таяммум қилинади. Аммо сувни чиқаришга асбоб бўлса, агар жамоат кўп бўлиб, ҳар бирлари таҳорат олгунларича намоз вақти чиқиб кетса ҳам, таяммум қилинмайди. Чунки бу ҳолатда таяммум қилишга сабаб топилмаяпти. Сув бор ерда душман ёки йиртқич ҳайвоннинг хавфи бўлса ҳам, таяммум қилинади).

Таяммумнинг шартлари

1. Ният. Аслида тупроқ кир кетказувчи эмас, балки ўзи кир қилувчи нарсадир. Шу сабабли таяммумда ният шарт қилинади.

(Изоҳ: сув ўзи покловчи нарса бўлгани учун таҳоратда ният қилиш фарз эмас. Яъни, ниятсиз таҳорат қилиб қўйган кишининг таҳорати суннатни тарк қилиш билан бўлса-да, қабул бўлади. Аммо таяммум ниятсиз қилинса, фарзни тарк этган бўлади ва бетаҳоратликдан чиқмайди. Зеро, таяммумнинг асл маъноси қасд бўлиб, мусулмон киши сув топа олмаса, мана шу қасд билан покланади).

2. Таяммум қилиш учун юқорида санаб ўтилган сабаблардан бирининг бўлиши ҳам шарт.

3. Таяммум қилувчининг аъзоларида масҳни тўсадиган узук ва билагузукка ўхшаш нарсаларнинг бўлмаслиги ҳам шарт.

4. Тупроқ, кум ва тошга ўхшаш ер жинсидан бўлган покиза нарсани қасд қилиш ҳам шарт. Агар тошнинг устида чанг бўлмаса ҳам зарари йўқ, балки унинг ер жинсидан ҳамда пок бўлишининг ўзи кифоя қилади.

5. Юз ва қўлларда жой қолдирмасдан масҳ тортиш ҳам шарт қилинади.

Таяммумнинг рукнлари

Улар иккитадир:

1. Ер жинсидан бўлган пок нарсани қасд қилиб, икки қўлнинг кафти билан унга икки зарб урмоқлик.

2. Биринчи зарбдан сўнг қўлга, иккинчи зарбдан сўнг эса юзга масҳ тортмоқлик.

Таяммумнинг суннатлари

«Бисмиллаҳ...»ни айтиш; зарбни кафтнинг ичи билан қилиш; қўлдаги чангларни силкитиб ташлаш; тартиб билан қилиш, яъни аввал юзга масҳ тортиб, кейин қўлга масҳ тортиш; кетма-кет қилиш, яъни ният қилиб таяммумни бошлагач, то тугагунча бошқа амални қўшмаслик; соқол ва бармоқлар орасига ҳилол қилиш; кенг узук бўлса, уни қимирлатиб остига масҳ етказиш, аммо узук тор бўлса ёки соатга ўхшаш нарсалар бўлса, уларни таяммумдан олдин ечиб қўйиш керак, чунки уларнинг остига масҳ етмайди; масҳни ўнг қўлдан бошлаш. Буларнинг ҳаммаси суннат ҳисобланади.

Кафтларнинг ичини ер жинсидан бўлган пок нарсага бир уради ва қўлнинг орқа-олдини айлантиради. Сўнг қўлини силтаб, таҳоратда ювиладиган юзга ҳеч бир жой қолдирмай масҳ тортади. Кейин яна қўлини иккинчи бор уради. Юқоридаги кўринишда айлантириб, чангларини қоқади ва икки қўлининг тирсагига

қўшиб кафти билан масҳ тортади. Мана шу таяммум билан нафл ва фарз намозларидан хоҳлаганича ўқий олади ва таҳоратли киши ҳукмида бўлади.

Таяммумни бузувчи нарсалар

1. Таҳоратни бузувчи ҳар бир нарса таяммумни ҳам бузади.

2. Агар киши сув йўқлиги сабабли таяммум қилган бўлса, сувни кўриши билан таяммуми бузилади.

3. Сувни ишлатишга ожиз бўлган кишининг унга қодир бўлиши билан ҳам таяммум бузилади. Агар бир киши жунуб бўлиб таяммум қилган бўлса, сўнг унда кичик таҳоратни бузадиган нарсалар содир бўлса, яна у жунуб ҳолатига қайтиб қолмайди, балки у кичик таҳоратсизлик ҳукмида бўлиб, унга ёддан Қуръон ўқиш, масжидга кириш каби амаллар жоиз бўлади. Аммо кишининг таяммуми катта таҳоратсизлик содир қиладиган амаллар билан бузилган бўлса, то у таяммум қилмагунча жунуб ҳукмида ҳисобланиб, Қуръон ўқиш, масжидга кириш ва шуларга ўхшаш жунуб кишига жоиз бўлмаган амаллар бунга ҳам дуруст бўлмайди.

Таяммумга ҳам, таҳоратга ҳам қодир бўлмаган киши нима қилади?

Киши ҳибс қилингани ёки касаллиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли сувга ҳам, ер жинсидан бўлган покиза нарсага ҳам қодир бўлмаса, намоз вақти кирганда ўзини намоз ўқиётганга ўхшатиб қиём туради, рукуъ қилади, сажда қилади, қаъда ўтиради ва салом беради. Фақат шу ҳолатда намозни ният қилмайди ва қироат ҳам қилмайди, у хоҳ катта таҳоратсизликда бўлсин, хоҳ кичик таҳоратсизликда бўлсин, фарқи йўқ.

Унинг бундай қилиши намоз вақтининг ҳурматидандир. Қачон сувга ёки таяммум қилишга қодир бўлса, намозларини қайтариб ўқийди. Чунки олдинги намозларида ният ва қироат бўлмагани учун улар намоз ҳисобига ўтмайди.

Ҳайз ва нифос

Кўпинча қизлар ўн уч ёшга кирганда, баъзан ундан олдинроқ ҳам қон кўришади. Бунинг номи шариатда “ҳайз” дейилади. Қизлар шундан сўнг тақлиф ёшига етган ҳисобланади ва уларга намоз, рўза ва шу каби ибодатлар фарз бўлади. Бу ҳолат камида тўққиз ёшда ҳам кўрилади. Ҳайздан бошқа яна нифос, истиҳоза қонлари ҳам бор. Буларнинг баёни келгуси бобларда келади.

Ҳайз

Ҳайз балоғатга етган, соғлом, ҳомиласиз, ҳомила кўришдан умидини узмаган аёлларнинг раҳмидан (баъданидан) келадиган қондир. Аёллар кўпинча эллик беш ёшдан сўнг ҳомила кўришдан умидсиз, дейилади. У умидсизлик ёшидан кейинги кўрилган қон истиҳоза қони ҳисобланади. Бу ҳақда ҳали тўхталамиз.

Ҳайз кўпинча ҳар ойда бир марта кўрилади. Унинг энг ози уч-кеча кундуз, кўпи эса ўн кун бўлади. Шу кунлар орасида қоннинг тўхтамасдан келиб туриши

шартмас, балки орада бир-икки соат тўхтаб, кейин яна келиши мумкин. Мана шу қоннинг тўхташи ҳайзнинг ҳукмини ботил қилмайди. Албатта ҳайз аввалги ва охириги вақти билан эътиборга олинади.

Агар ҳайз кўрувчининг одати бўлса ва унга зиёдалик қўшилса, то ўн кунгача қўшилганини ҳайз ҳисоблаб бораверади. Чунки одат ўзгариши мумкин. Аммо одатидан зиёда бўлган қон ўнинчи кундан ҳам ўтиб кетса, у ўз одатини ҳайз ҳисоблаб, бундан ортганини истиҳоза қонига ҳукм қилади ва таҳоратини қилиб, одатидан ортган кунлардаги намозларининг қазосини ўқийди. Демак, одатидан зиёда бўлиб ўн кунгача тўхтаса, одатим ўзгарибди, дейди. Аммо ўн кундан ҳам зиёда бўлиб кетса, ўз одатида қолади ва ундан ортганини ҳайз ҳисобламайди. Аёл киши ҳайз кунларида қизил, сариқ ва лойқаликни кўрса, ҳатто ҳеч нарса аралашмаган холис оқликни кўргунча ҳайзли ҳисобланади. Холис оқлик ҳайз тўхтагандан сўнг чиқадиган нарса бўлиб, худди у шилимшиқ бурун сувига ўхшайди ёки холис оқлик, деганда аёлларнинг ўзлари қўйиб олган пахталарига айтилади. Агар шу пахта холис оқ бўлса, демак ҳайз тўхтаган бўлади. Икки ҳайз ўртасидаги кунлар “поклик кунлари” дейилади. Шу поклик кунлари камида ўн беш кун бўлади. Кўпининг эса чегараси йўқдир.

(Изоҳ: аёлларнинг умуман ҳайз кўрмай юрадиганлари ҳам бўлиши мумкин).

Нифос

Фарзанд туғилгач, ундан кейин келади қонга “нифос” дейилади. Аммо фарзанд она қорнидалигида келади қон нифос ҳисобланмайди, балки у таҳоратни синдирувчи қон бўлиб, бундай қон кўрган аёл таҳоратини янгилайди-да, таҳоратли аёлларга қайси амал дуруст бўлса, бу аёлга ҳам шу амал дуруст бўлади.

Нифоснинг келиш муддати кўпи билан қирқ кун бўлса, озининг чегараси йўқ, яъни фарзанд туғилиб умуман қон кўрмайдиган аёллар ҳам бўлади. Нифос қони келаётган кунлар орасида бўладиган поклик агар ўн беш кун ва ҳатто ундан ортиқ бўлса ҳам нифос қони, деб ҳисобланади. Нифос аёлнинг одатидан зиёдалашса ва қирқ кунгача тўхтаса, демак, одати ўзгарибди. Аммо одатидан ошиб, ҳатто қирқ кундан ҳам зиёдалашиб кетса, у аёл одатигача бўлган ҳолатни нифос ҳолати деб, ундан ортганини худди юқоридаги ҳайз масаласига ўхшаб, покликка ҳукм қилади. Ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёллар намозни ҳам, рўзани ҳам тарк қилишади. Пок бўлганларидан сўнг эса рўзанинг қазосини тутиб беришади, намознинг қазосини ўқишмайди. Чунки бунда инсонга машаққат бор. Ислом дини инсонга тоқатидан ортиқ нарсани буюрмайди.

Ҳайз ҳолатидаги аёл ўзининг узрли эканини эридан беркитмаслиги лозимки, эри унга яқинлик қилиб қўймасин. Ёки бунинг аксича, аёл ўзи пок бўлатуриб эри уни тўшагига чақирганда ёлғондан узрлиман, деб эридан бош тортиши ҳам дуруст эмас. Мана шу икки сифатнинг бири билан сифатланган аёлга Аллоҳ тао-

лонинг лаънати бўлиши ҳақида ҳадислар ворид бўлган. Муслима, мухлиса аёлларимиз бундан огоҳ бўлишлари лозим.

Истиҳоза қони

Уч кундан оз муддат келувчи қон, ҳайз кунларининг ўн кундан ошганда келган қон, нифос кунларининг қирқ кундан зиёда бўлганда келувчи қон, ҳомиладор аёл кўрадиган қон, буларнинг бари истиҳоза, яъни “касаллик қони” дейилади. Биринчи бор ҳайз кўрувчининг ҳайз муддати ўн кун деб эътиборга олинади ва унинг поклик муддати ҳар ойда ўн беш кун деб ҳисобланади. Ҳайзнинг ўн кунлик муддатидан кейин келади қон “истиҳоза қони” дейилади. Чунки ҳали бу аёлнинг одати маълум эмас. Худди шунингдек, биринчи бор нифос кўраётган аёлнинг нифос муддати (агар қон қирқ кундан ўтиб ҳам тўхтамаса) қирқ кун деб белгиланади ва ундан ошгани истиҳоза қони дейилади. Истиҳоза қони узрли кишининг бурнидан доимий оқиб турган қонга ўхшайди. У намоз, рўза ва жимоъни ман қилмайди. Истиҳоза қони келиб турган аёлнинг ҳукми узрли кишининг ҳукмида бўлади. Узрли кишиларнинг баёни юқорида ўтди.

Ҳайз, нифос ҳолатида ҳаром бўлган амаллар

Ҳайз билан нифос катта таҳоратсизлик, яъни жанобат ҳисобланиб, жунуб кишига нима амал ҳаром бўлса, ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёлга ҳам шу амаллар ҳаром бўлади. Яна бундан бошқа қуйидаги амалларни ҳам қилиш дуруст эмас:

1. Хоҳ фарз бўлсин, хоҳ нафл бўлсин, рўза тутиши дуруст эмас. Аммо пок бўлгач, рамазон рўзасининг қазосини тутиб беради. Намознинг қазосини эса, юқорида айтганимиздек, ўқимайди. Аёллар ҳайз ёки нифос ҳолида заифлашадилар, рўза ҳам инсонни заифлаштиради. Икки заифликни жамлашда бадан соғлигига хатар бор. Шариат эса соғлиқка зарар қиладиган нарсалардан инсонларни муҳофаза қилган.

2. Ҳайз ва нифос ҳолида эр билан яқинлик қилиш ҳам дуруст эмас. Ҳайз ва нифоснинг муддати тугагач, ҳали ғул қилмасдан туриб эри билан яқинлик қилса бўлади. Лекин ғул қилиб олиб, сўнг яқинлик қилса, афзал ҳисобланади.

3. Ҳайз ёки нифосли аёлнинг киндиги ва тиззаси орасидан фойдаланиш ҳам дуруст эмас, лекин иштонга ўхшаш тўсувчи нарсаси бўлса, унинг устидан фойдаланиш мумкин.

(Изоҳ: ҳайз ва нифосли аёллар Қуръони каримни ёддан ҳам қироат қилишмайди. Агар таълим берадиган аёллар бўлса, оятларни бутун ўқимасдан таълим беришади).

Аброр МУХТОР АЛИЙ тайёрлади.

АБУ БАКР СИДДИК

(розияллоҳу анҳу)

Абу Бакр Сиддик ибн Абу Куҳофа (розияллоҳу анҳу) Макканинг Қурайш қабиласи Тамим уруғидан, милодий 573 йили туғилганлар. Исмлари Абдуллоҳ, оталарининг исми Усмон (қуныси Абу Куҳофа), оналариники Уммул Хойр. Ота-она томонидан сулоалари Муррада Расулulloҳ (алайҳиссалом) сулоалари билан бирлашади. Абу Бакр қуныси билан танилган бу зот илк саккиз мусулмоннинг ҳам, Ашараи Мубашшаранинг ҳам, Хулафои рошидиннинг ҳам биринчиси бўлдилар. Халифаликлари пайтида Қуръони карим оятларини биринчи бўлиб тўплатганлари учун «Жомиъул Қуръон» унвонига сазовор бўлганлар. Ҳамма ишда адолатни биринчи ўринга қўйдилар. Халифаликлари икки йилу уч ой давом этди. Расулulloҳдан 142 та ҳадис ривоят қилганлар. Абу Бакр билимдон, бадавлат киши бўлганлар, тижорат билан шуғулланганлар. Бойликларининг катта қисмини Аллоҳ йўлида сарфлаганлар. Ҳеч қачон бутга сиғинмаганлар, ичкиликни оғизларига олмаганлар. Исломни ҳеч иккиланмай қабул қилганлари ва Расулulloҳ (с.а.в.) меърожларини эшитган заҳоти тасдиқлаганлари учун «Сиддик» унвони берилган. Қизлари Оишани (р.а.) Расули акрамга никоҳлаб бериб, акраблик ришталарини боғланганлар. Барча ғазотларда Сарвари олам билан ёнма-ён турдилар, у зотга халифа эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хасталаниб қолганларида у зотнинг ўринларига ўн етти вақт намозга имомлик қилганлар. Расули акрам вафотлари муносабати билан мушриклар фитнаси кучайган, асқоб саросимага тушган бухронли кунда биргина Абу Бакр ақл билан иш юритдилар. Ўзларининг машҳур хутбалари билан саҳобаларни тинчитиб, тасалли бердилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан кейин мусулмонларга халифа этиб сайландилар. Ниҳоятда камтарона, оддий ҳаёт кечирдилар, давлат бошлиғи бўлганларида икки дирҳам (кумуш) маош билан кун кечирганлар. Вафот этганларида ёнларидан пул чиқмаган. Ҳижрий 13 (милодий 634) йили олтмиш уч ёшда Мадинада вафот этдилар. Расули акрамнинг «Хужраи саодат»ларида у зотнинг ёнларига дафн қилинганлар.

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу Маккаи Мукаррамада ўсиб-улғайдилар. Фақат тижорат учунгина бу муборак шаҳардан ташқарига чиқар эдилар. У киши ўз тижоратлари ор-қасидан катта мол-дунё топган эдилар. Шу билан бирга, Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу хайру эҳсон ва мурувватлари билан ҳам жоҳилият аҳли орасида ном чиқарган эдилар. У киши Қурайшнинг раҳбарларидан бўлиб, маслаҳат-машварат ишларида доимо иштирок этиб, кишиларнинг

муҳаббатини қозонган эдилар. Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳуга Қурайшнинг дия (хун) ва қарз тўлаш ишлари топширилган эди.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга хутба қилиб: «Албатта, Аллоҳ бир бандага ё дунёни ё Ўз ҳузуридаги нарсани танлаш ихтиёрини берди. Ҳалиги бандда Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани ихтиёр қилди», дедилар. Шунда Абу Бакр йиғлади. Биз унинг йиғисидан ажабландик. Кейин билсак, ихтиёр берилган зот Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эканлар. Абу Бакр ичимизда буни энг яхши биладиганимиз экан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар ичида мен учун суҳбатда ва молида энг ишончлиси Абу Бакрдир. Агар ўзим учун Роббимдан бошқани халил тутадиган бўлсам, албатта Абу Бакрни тутар эдим. Лекин бу Ислом биродарлиги ва муҳаббатидир. Масжидга кирадиган эшикларнинг Абу Бакрниқидан бошқа барчаси беркитилсин», дедилар». Бошқа бир ривоятда: «Агар умматимдан халил тутадиган бўлсам, албатта Абу Бакрни тутар эдим. Лекин у биродарим ва соҳибимдир. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизнинг соҳибингизни халил тутгандир», дейилган» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу ҳам жоҳилият даврида, ҳам Ислом даврида шарафли бўлган ўн кишининг биридирлар. Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу жоҳилият даврининг одамлари ичидаги энг ифбатли кишилардан бири эдилар. У киши ўз ихтиёрлари билан, ўзларида хамр ичишни тарк қилган эдилар.

Ибн Саъд ривоят қиладилар: «Бир киши Оишага: «Менга Абу Бакрни сифатлаб беринг», деди. Шунда у киши: «У оппоқ, озғин, ёноқлари кичик, бир оз эгилган, изори икки ёнбошида турмай, сирпаниб кетадиган, юзи ичига кирган, кўзлари чуқур, пешонаси дўнғроқ ва қўшдек енгил одам эди. Унинг сифати ана шундай», деди». Бошқа бир ривоятда Оиша онамиз: «Абу Бакр (соч-соқолини) хино ва катм – махсус бўёқ билан бўяб юрарди», деганлар.

Ибн Исҳоқ қуйидагиларни зикр қилади: «Бир куни Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни учратиб қолди ва: «Эй Муҳаммад, Қурайшнинг олиҳаларимизни тарк қилганингиз, ақлларимизни паст санаётганингиз, оталаримизни кофирга чиқараётганингиз ҳақида айтаётган гаплари тўғрими?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, мен Аллоҳнинг Расули ва Набийиман. У зот мени Ўз рисолатини етказиш учун юборди. Сени ҳақ ила Аллоҳга даъват қиламан. Аллоҳга қасамки, У Зот ҳақдир. Эй Абу Бакр, сени ёлғиз, шериги йўқ Аллоҳга, Ундан ўзгага ибодат қилмаслигингга ва доим Унинг тоатида бўлишингга даъват қиламан», дедилар. Сўнгра унга Қуръон қироат қилиб эшиттирдилар. У икром ҳам, инкор ҳам қилмади. Дарҳол Исломга келди. Санамларга куфр келтирди. Шерикларни отди. Ислом ҳаққини икром қилди. Абу Бакр мўмин ва мусоддиқ бўлган ҳолида қайтиб кетди».

Ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ

ибн Ҳусойн ат-Тамимийдан қилган ривоятда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар: «Кимни Исломга даъват қилсам, албатта, тўхташи ва иккиланиши бўлди. Фақатгина Абу Бакр кутиб турмади ва иккиланмади». Бу Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазл-ларига фазл қўшадиган улкан гувоҳликдир.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўзлари Исломни қабул қилишлари билан дарҳол бошқаларни ҳам унга даъват қилишга ўтдилар. У киши Қурайш қабиласида катта обрўга эга эдилар. Ўткир ақллари, мурувватли ва адолатли бўлганликлари ҳамда бошқа олий сифатлари учун кўпчилик ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳуни яхши кўрар ва ҳурмат қилар эди. Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг дастлабки даъвати самараси ўлароқ, ўша пайтда Қурайшнинг ашрофларидан бўлган, кейинчалик саҳобаларнинг улуғларига айланган ва жаннатга киришларига башорат берилган ўн кишидан бешталари: Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Аби Ваққос ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳум иймонга келишди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ислом дини йўлида биринчи бўлиб бор будини сарфлаган киши, десак муболаға қилмаган бўламиз. У киши бой бўлишлари билан бирга, ўта сахий ҳам эдилар. Айниқса, дину диёнат йўлида ҳеч нарсани аямас эдилар. Барча уламоларимиз Вал-лайл сурасидаги ушбу оятлар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ва у кишининг Аллоҳ таоло йўлида мол сарфлашлари ҳақида тушганлигига иттифоқ қилишган: «Ва албатта, ундан тақводор банда четда қолади. У бойлигини сарфлайди ва ўзини поклайди. Бирор кишининг унда қайтарилиши лозим яхшилиги йўқ эди. Ўзининг олий мақом Роббисининг розилигини сўраб қилади. Ва албатта, тезда рози бўлади» (17-21-оятлар).

Умайя ибн Халаф ўзининг Билол ибн Рабоҳ исми қулини мусулмон бўлгани учун қаттиқ азоблай бошлайди. Кун қаттиқ қизиган пайтда иссиққа олиб чиқиб, кўкрагига харсангтош бостириб қўяр, «Муҳаммадга куфр келтирасан, бўлмаса, ўлгунинг-ча шундай турасан», дер экан. Бир куни уларнинг олдидан Абу Бакр Сиддиқ ўтиб қолдилар ва Умайяга: «Худодан қўрқмайсанми? Бу бечорани қачонгача азоблайсан», дедилар. Умайя бўлса: «Буни сен буздинг, раҳминг келса, азобдан қутқариб ол!» деди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ ҳазрати Билолни сотиб олиб, озод қилдилар. Шундан сўнг юқоридаги оятлар нозил бўлган экан».

Абу Саъид ибн ал-Аъробий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилади: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Исломга кирган куни уйда қирқ минг дирҳами бор эди. Мадинага ҳижратга чиқаётганида эса, беш минг дирҳамдан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган эди. У бор-будини қулларни озод қилиш ва Исломга ёрдам бериш учун сарфлаган эди». Шунинг учун ҳам Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг мол сарфлашларини алоҳида васф қилганлар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бизга яхшилик қилган ҳар бир қўлнинг албатта мукофотини бермай қўймадик. Фақат Абу Бакр бундан мустасно. Унинг бизга қилган яхшиликлари бор. Унинг мукофотини қиёмат куни Аллоҳнинг Ўзи беради. Ҳеч кимнинг моли менга Абу Бакрнинг моли манфаат берганидек манфаат берган эмас», дедилар (Имом Термизий ривоят қилган).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Исро ва Меърож қилганларида мушриклар бу гапларга умуман ишонишмади, масҳара қилиб кулишди. Иймон келтирганлардан баъзилари муртад бўлиб, диндан қайтди. Бир гуруҳ одамлар ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдидан югуриб боришди. У киши хабарни эшитгандан сўнг: «У зот шу гапларни

айтдиларми?» деб сўрадилар. «Ҳа», дейишди. «Агар у зот айтган бўлсалар, тўғри айтибдилар. Мен бунга шохидлик бераман», деди ҳазрати Абу Бакр. «Шомга бир кечада бориб, яна Маккага тонг отмай туриб қайтиб келишига ишонсанми?» де-йишди. «Мен у кишининг бундан ғариброқ нарсасини ҳам тасдиқлайман. Осмондан хабар айтишини ҳам тасдиқлайман», деди ҳазрати Абу Бакр. Шундан сўнг у киши Сиддиқ, яъни «ўта тасдиқловчи» деб атала бошладилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг жамиятдаги ўринлари юқори бўлгани сабабли одамлар бу ихтилофли масалада у кишининг олдидан югуриб боришган эди. У киши бор гапни айтдилар-қўйдилар ва шу билан баъзи бир иккиланиб турганларнинг ҳам иймонда собит қолишларига сабаб бўлган бўлдилар.

Мушрикларнинг шиддатли тазйиқи остида қолган мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳижратга изн сўрай бошлашди. Чунки Ясрибдаги диндошлари улардан ёрдамларини аямасликларини яхши билишар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга: «Менга ҳижрат диёрингиз кўрсатилди. У ҳурмозор экан. Икки ҳарра (қора тошли майдон) орасида экан», дедилар. Шунда ким хоҳласа, Мадина томон ҳижрат қилди. Ҳабашистонга ҳижрат қилганларнинг кўпчилиги Мадинага қайтиб келди. Ҳазрати Абу Бакр ҳам Мадина томон тайёргарлик кўрдилар. Шунда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «Сен шовилма. Мен ўзимга ҳам изн берилиши умидидаман», дедилар. Ҳазрати Абу Бакр: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, шундай умид қиляпсизми?» дедилар. «Ҳа», дедилар у зот. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлиш учун кутиб турдилар ва бирга Мадинага ҳижрат қилишди.

Имом Баззор «Муснад» китобларида қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Али розияллоҳу анҳу: «Менга одамларнинг энг шижоатлиси ким экан-ини айтиб беринглар», деди. «Сенсан», дейишди. «Мен ким билан мубораза қилсам, албатта ундан интисоф қилганман. Лекин сизлар менга энг шижоатли одам ҳақида хабар беринглар», деди. «Билол-мадик, ким ўзи?» дейишди. «Бу Абу Бакрdir! Бадр куни Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қапа қилдик ва «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ким бирга бўлади? Тагин мушриклардан бирортаси у зотга ҳужум қилиб қолмасин» дедик. Аллоҳга қасамки, Абу Бакрдан бошқа ҳеч ким яқинлаша олмади. У қиличини яланғочлаб, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларида турди. Бирортаси ҳужум қилгудек бўлса, унга ташланар эди», деди у.

Абу Бакр Сиддиқнинг Бадр ва Уҳуд жангларидаги жасоратлари, Ҳудайбия сулҳидаги тадбирлари Ислом тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Уҳуд жангининг мусулмонлар учун ғоятда оғир кечгани ҳаммага маълум. Ўша машаққатларнинг энг оғири жанг давомида «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалок бўлди» деган хабарнинг тарқалиши эди. Мусулмонлар ана шундай оғир зарбага учраб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўз ўнгиларидан йўқотиб қўйган ва тарқалган ёлғон хабардан гангиб турган пайтларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу биринчилардан бўлиб ўзларига келдилар. Бу ҳақда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ шундай ҳикоя қиладилар: «Уҳуд уруши куни Расулulloх одамлардан ажралиб, ёлғиз қолганларида, мен биринчилардан бўлиб у киши томон юрдим. Қарасам, бир одам у кишининг олдидан туриб олиб жанг қилмоқда: «Толҳа бўлса эди, отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин! Толҳа бўлса эди, отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин!» деб бораётсам, орқамдан Абу Убайда худди қўшдек учиб келиб

қолди. Биргалашиб етиб борсак, Расулulloҳнинг олдиларида Толҳа йиқилиб ётган экан. Расули акрам алайҳиссалом: «Биродарингизга қаранг, у ҳақлидир», дедилар. Шу пайт Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёноқларига бир нарса келиб тегиб, дубулғанинг ҳалқа-сини юзларига киритиб юборди. Уни Пайғамбар алайҳиссаломдан чиқариб олиш учун борган эдим, Абу Убайда: «Аллоҳ хайрингни берсин Абу Бакр, менга қўйиб бер», деди ва у оғзи билан кирган нарсани чиқара бошлади. Пайғамбар алаҳиссаломга озор бермаслик учун тиши билан чиқаришга ҳаракат қилди ва чиқариб олди. Абу Убайданинг олд тиши синиб тушди. Сўнгра мен кейингисини олишга уринган эдим, Абу Убайда яна: «Абу Бакр, Аллоҳ хайрингни берсин, менга қўйиб бер», деди. Яна тиши билан чиқариб олди. Абу Убайданинг яна бир тиши тушди. Кейин Расулulloҳ алайҳиссалом: «Биродарингизга қаранглар, у ҳақлидир», дедилар. Биз Толҳанинг жароҳатларига қарай бошладик. Унга ўндан ортиқ ўқ, қилич ва найза теккан экан».

Ибн Асокир ал-Воқидийдан қуйидагиларни нақл қилади: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтиб юрарди: «Исломда Ҳудайбия фатҳидан кўра улуғроқ фатҳ бўлмаган. Лекин ўша куни Мухаммад билан унинг Роббиси орасида бўлган нарсдан одамларнинг фикри қисқалик қилди. Бандалар шошиладилар. Аллоҳ бўлса ишларни ўзи ирода қилганидек бўлишига етказмагунича бандалар шошилаганидек шошилмайди. Видолашув ҳажиди Сухайл ибн Амрга назар солдим. У сўйиш жойида тик туриб олиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туяларни яқинлаштириб турарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларни ўз қўллари билан сўяр эдилар. У зот сартарошни чақирдилар. У сочларини олди. Сухайлга назар солдим. Сухайл у зотнинг соч толаларини териб олиб, икки кўзига суртар эди. Унинг бу ҳолини кўриб туриб, худди шу одам Ҳудайбия куни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни ёзишдан, «Мухаммадур Расулulloҳ»ни ёзишдан бош тортган эди, деб ўйладим ва уни Исломга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамд айтдим».

Ҳа, мана шундай пайтларда Аллоҳ таолонинг ҳикматини англаш учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу сингари кучли иймон соҳиби бўлиш керак. У зот каби Аллоҳ таоло нимага буюрса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нимага даъват қилсалар, ҳеч бир тараддудсиз таслим бўладиган банда бўлиш керак. Аллоҳ таоло нозил қилган Қуръони каримда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида келган ҳар бир гапни ва маънони дарҳол тасдиқлайдиган банда бўлиш керак.

Ҳудайбия сулҳи саҳобаи киромларнинг назарида мағлубиятга ўхшаб кўринган эди. Баъзилар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга ўхшаб, ўз норозилиklarини ошкора изҳор ҳам қилган эдилар. Фақат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳугина заррача шубҳасиз таслим бўлган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гаплардан бош-қа нарсани ҳаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ҳунайн жангида ҳам ҳамма урушдан қочиб қолган бир пайтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида сабот ила турган оз сонли саҳобаи киромлардан бири бўлдилар. Бу урушда кўпчилик орқасига қарамай, қочиб қолган эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан ким бугун рўзадор ҳолда тонг оттирди?» дедилар. «Мен», деди Абу Бакр. «Сизлардан бугун ким жанозага борди?» дедилар. «Мен», деди Абу Бакр. «Сизлардан бугун ким мискинга таом берди?» дедилар. «Мен», деди Абу Бакр. «Сизлардан бугун ким беморни кўргани борди?» дедилар. «Мен», деди Абу

Бакр. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Булар кимда жам бўлса, у албатта жаннатга киради», дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Имом Аҳмад «Зухд»да Мухаммад ибн Сирийдан ривоят қилади: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан бошқа одамнинг еган таомини, ўзини мажбурлаб қусиб юборганини билмайман. Унга бир таом келтирилган эди, ундан еди. Кейин Абу Бакрга: «Буни Нўъмон розияллоҳу анҳу олиб келган эди», дейилди. «Менга Ибн Нўъмоннинг хоҳинликдан топганини едирдингизми?» деди-да ўзини мажбурлаб қусиб юборди».

Аллоҳ таоло тўққизинчи ҳижрий санада: «Одамлардан йўлини топганларга Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ бурчдир» ояти ила мусулмонларга ҳам ҳаж ибодатини фарз қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша йили Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ҳаж амираи қилиб, Маккага жўнатдилар. У киши мусулмонларнинг ҳаж ибодатига боғлиқ ишларни бошқаришлари керак эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳажга амирлик қилдилар. Қурбонлик куни бўлганда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу туриб, одамлар ичида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган нарсаларни эълон қилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исломдаги биринчи ҳаж мавсумига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг амир қилиб тайинлашлари ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Ислом уммати ичидаги олий мақомларини яққол кўрсатади.

Худди шунга ўхшаш мақом намоз ўқишда ҳам намойён бўлган эди. Бу маънода одатда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб қолганларида ўринларига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг намозга ўтишларини амр қилганлари келтирилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам соғлиқ пайтларида мабодо бошқа ерда бўлсалар ҳам саҳобаи киромлар имомликка Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг лойиқ кўрар эдилар.

Вақти-соати етиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этгач, бутун Ислом уммати бошига мислсиз қайғу тушди ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу улуг қайғунинг бошида туриш билан бирга, бу умматнинг эс-ҳушини йиғиб олишига ҳам сабабчи бўлдилар. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар. Абу Бакр Сунҳда эди. Умар туриб: «Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлганлари йўқ», деди. Ўзи: «Аллоҳга қасамки, ўшанда шундан бошқа нарса ақлимга келмаган эди. Албатта, Аллоҳ у зотни қайта тирилтиради ва одамларнинг қўл ва оёқларини кесадилар, дер эдим», деган.

Абу Бакр келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни очиб, у зотни ўпди ва: «Ота-онам сизга фидо бўлсин. Тирик ҳам, ўлик ҳам пок бўлдингиз. Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, Аллоҳ сизга икки ўлимни ҳеч татитмас», деди. Кейин ташқарига чиқди ва: «Эй қасам ичаётган, бир оз жим тур», деди. Умар ўтирди. Сўнгра Абу Бакр гапирди. Аллоҳга ҳамду сано айтди ва: «Огоҳ бўлинглар! Ким Мухаммадга ибодат қилаётган бўлса, батаҳқиқ, Мухаммад ўлди. Ким Аллоҳга ибодат қилаётган бўлса, Аллоҳ тирикдир, ўлмас. Аллоҳ таоло: «Албатта сен ҳам май-йитсан, улар ҳам маййитдир» деган. Ва яна «Мухаммад ҳам бир пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Ким орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукур қилувчиларни мукофотлар», деган», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ушбу гаплари Ислом умматини фитнадан сақлаб қолди. Ҳамманинг ҳушини

ўзига келтирди. Бу гаплар Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ўз фикри билан айтаётган гаплари эмас эди. У киши бу гапларни Қуръони Карим оятларига суяниб гапираётган эдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин Ислом давлати раҳбарлигига Абу Бакр Сиддиқ сайланди. Ибн Исҳоқ розияллоху анху «Сийрат» китобида Зухрийдан, у киши Анас ибн Молик розияллоху анхундан қуйидагиларни ривоят қилади: «Абу Бакрга шийпонда байъат қилинди. Эртасига Абу Бакр минбарга ўтирди. Умар туриб, Абу Бакрдан олдин гапирди. У Аллоҳга ҳамду сано айтди. Сўнгра: «Албатта, Аллоҳ сизнинг ишингизни сизнинг энг яхшингизга, Расулуллоҳнинг соҳиби, ғорда бўлган икки кишининг бирига жамлади. Туринглар. Унга байъат қилинглар», деди.

Одамлар шийпондаги байъатдан кейин Абу Бакрга оммавий байъат қилдилар. Кейин Абу Бакр гапирди. У Аллоҳга ҳамду сано айтди. Кейин: «Мен яхшингиз бўлмасам ҳам, сизга волий қилиндим. Агар яхшилиқ қилсам, менга ёрдам беринглар, агар ёмонлик қилсам, мени тўғриланг-лар! Содиқлик омонатдир. Қозиблик хиёнатдир. Сизнинг ичингиздаги заиф унинг ҳаққини олиб бергунимча, иншааллох, менинг наздимда кучлидир. Сизнинг ичингиздаги кучли ундан ҳақни олгунимча, иншааллох, менинг наздимда заифдир. Қайси бир қавм Аллоҳнинг йўлидаги урушни тарк қилса, албатта Аллоҳ уларни хорлик ила урур. Қайси бир қавм ичида фоҳишалиқ тарқалса, албатта, Аллоҳ уларни оммавий балога йўлқитирур. Модомики, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилар эканман, менга итоат қилинглар! Қачон Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлсам, зиммангизда менга итоат қилиш йўқ. Намозингизга туринглар, Аллоҳ раҳм қилгурлар!», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ўзлари халифаликка сайланганларида баён этган барномага бир умр содиқ қолдилар. У киши Ислом жамиятининг Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан кейинги бошлиғи қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатдилар. Ўзларига байъат қилинган кундан бошлаб елкаларига юкланган оғир масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бордилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида баъзи бир ўта юмшоқ бўлиб кўринган хислатлари ҳам раҳбар учун лозим бўлган тарафга кескин ўзгарди.

Абу Бакр Сиддиқнинг Ислом шавкатини юксалтириш борасидаги хизматлари айниқса Усома ибн Зайд бошлиқ Ислом лашкарини Рум томонга ҳозирлашда ва Расулуллоҳ алайҳиссалом вафотларидан кейин айрим диндан қайтиб, Ислом давлатига бўйсунибдан бош тортган муртад араб қабилаларига ҳамда янги чиққан сохта пайғамбарларга қарши курашда айниқса беқиёсдир. Ана шундай қилиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху халифалиқ вақтларида Ислом умматининг катта фитнадан сақланиб қолишига сабаб бўлдилар. Ҳамма диндан қайтганда ёттиқ туриб, уларни Исломга қайтариш чораларини кўрдилар. Аллоҳ таоло у кишига ва биродарларига нусрат берди. Шу сабабли фитна тағтомири билан йўқотилди.

Айнан Абу Бакр Сиддиқ даврларида Қуръони карими жамлаш ишлари амалга оширилди. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳаётлик чоғларида яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръон жамланиб, китоб шаклига келтирилмаган эди. Зайд ва Умар розияллоху анху—мо машаққатли уринишлардан сўнг Қуръонни ки—йик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб тугатдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ўша саҳифаларни «мусхаф» деб номладилар. Мус—хафни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар. Бу иш Абу Бакр Сиддиқ розияллоху

анхунинг халифалиқ даврларида амалга оширилган энг улғу ишлардан бири бўлди. Аллоҳ таоло «Албатта, зикрни Биз нозил қилганмиз ва албатта, уни Биз муҳофаза қиламиз» деган ваъдасининг яна бир қарра амалга ошишига Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуни сабаб қилди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига оғишмай амал қилишнинг намунаси эдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху бировдан таъма билан бирор нарса сўрашни сира ёқтирмас эдилар. У киши бунни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: «Ким менга одамлардан бирор нарса сўрамаслиқнинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман», деган ҳадисларига биноан қилар эдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига шароитга қараб, ўзига фойда бўлса амал қилиб, бўлмаса тарк қилиш одатлари мутлақо йўқ эди. Балки ўша вақтда қандай ҳолат ёки оқибат бўлса ҳам, тўла амал қилар эдилар.

Ун учинчи ҳижрий сана жумадул-охир ойининг саккизинчи куни Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху иситма касалига чалиндилар. Хасталиқ зўрая бошлади. Имом Тобарий, Ибн Касир ва бошқаларнинг таъкидлашича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху хасталиқлари оғирлашганда халқ—аро ва ички вазиятни ҳисобга олиб, ўзларидан кейин мусулмонларнинг ихтилофга тушишларидан қўриқиб, уларга ўз ўлимларидан олдин янги халифа танлашни таклиф қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху хаста ҳолларида Абдурахмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон, Саъид ибн Заъд, Усайд ибн Ҳузайр ва бош—қа муҳожиру ансорлардан бўлган саҳобаи киромларни якка-якка чақириб, бу иш ҳусусида маслаҳат қилди. Ҳамманинг фикри Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга тўхтади.

Ҳамма маслаҳатчилар бир фикрга келганларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга айтиб туриб, қуйидаги аҳдномани ёздирди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ушбу нарса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг халифаси Абу Бакрнинг бу дунёдаги охири пайти, у дунёдаги аввалги пайти, кофир мўмин бўладиган, фожир таслим бўладиган пайтда берган аҳдномасидир. Албатта, мен сизларга Умар ибн Хаттобни иш—боши қилдим. Сизлардан яхшилиқни аямадим. Агар у сабр ва адолат қилса, унинг ҳақида менинг билганим шу. Агар у жабр ва ўзгариш қилса, менинг ғайбдан илмим йўқ. Фақат яхшилиқни ирода қилдим. Ҳар бир киши қилганига яраша тортади. «Зулм қилганлар эса тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар» (Тобарийдан).

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху жумадул-охир ойининг тугашига саккиз кун қолганда, сешанба куни, олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. У кишининг халифалиқлари икки йилу уч ою ўн кун давом этди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг охири сўзлари «Мени мусулмон ҳолимда вафот эттигин ва солиҳларга қўшгин» ояти бўлган экан. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуни хотини Асма бинти Умайс ва ўғли Абдурахмонлар ювишган. Ўзларининг кийимларига кафланганлар. Жанозаларини Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўқиганлар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Оиша онамизнинг ҳужраларига, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ёнларига кечаси дафн қилинганлар. У кишининг бошлари Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг елкаларига тўғрилаб қўйилган. Аллоҳ таоло у кишидан рози бўлсин, омин!

(“Ҳадис ва Ҳаёт” асосида тайёрланди)

БЕШИГИДА БЎҒИЛГАН МУХТОРИЯТ

ТУРКИСТОН ЎЛКА МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ ФАВҚУЛОДДА
ҚУРУЛТОЙИДА ТУРКИСТОН (ҚЎҚОН) МУХТОРИЯТИНИНГ
ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ



Наманганлик иқтидорли тарихчи олим, тарих фанлари номзоди марҳум Йўлчи Қосимов Ўзбекистоннинг асл тарихини ёзиб, юзага чиқариш борасида кўп фидойилик кўрсатган заҳматкаш зиёлилардан эди. Унинг “Қора кўзойнак билан ёзилган тарих” китоби маҳаллий нашриётда оз нусхада нашр этилгани боис ўқувчиларнинг кенг қатламига етиб бормади. Шуни назарда тутиб, китобнинг Туркистон (“Қўқон”) мухторияти тарихига бағишланган бобини журналимиз ўқувчиларига тақдим этишга қарор қилдик.

РСФСР Миллатлар иши Халқ Комиссари И. В. Сталин ва Халқ Комиссарлар Советининг раиси В. И. Ленинларнинг имзоси билан иккита тарихий ҳужжат эълон қилинди: «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси» (1917 йил 2/15 ноябрь) ва «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига Мурожаатнома»си (1917 йил 3 декабрь). Ана шу Мурожаатномада, жумладан, шундай дейилган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, Сизнинг миллий ва маданий муассаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва

бахузур тузаберингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, Сизнинг ҳуқуқингиз ҳам инқилоб ва унинг органлари бўлган Ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади... Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз керак. Ўз турмушингизни кўнгилдагидек ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлидирсиз. Чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда...» (В. И. Ленин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Тошкент, Ўздавнашр, 1957, 71-72-бетлар). Декларацияда эса жумладан шундай дейилган эди: «Халқ Комиссарлар Совети қарор қилади... 2. Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари ва ҳаттоки, ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқини бериш. 3. Ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-маданий имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш» (Ўша китоб, 68-бет).

Ана шу ҳужжатлар эълон қилинган вақтда Тошкентда Ф. Колесов раҳбарлик қилаётган ҳукумат шаҳар думаларини тарқатиб юбориш ва миллий кадрларга

нисбатан шовинистик сиёсатни авж олдириш каби ўта нотўғри ва қўпол сиёсатни амалга оширмакда эди. Иккиюзламачи большевик Ф. Колесов Туркистон ўлкаси Советларининг учинчи қурултойи номидан В. И. Ленинга, Халқ Комиссарлари Совети номига юборган телеграммасида Туркистон Халқ Комиссарлар Совети: «Сизнинг барча декретларингизни ҳаётга тадбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган», деб тилғламлиқ қилган эди. Аммо минг надоматларким, бу ёлғончи ва шўролар мустамлакачиси ўз ваъдаларининг тескарисини қилди. Ва ҳатто, у ўзи имзо чеккан ҳукумат ҳужжатларида ҳам ана шу юқорида кўрсатилган марказий ҳукумат кўрсатмаларини ҳам ва лоақал, ҳужжатларнинг номи-ни ҳам қайд қилиб ўтмади.

1917 йилнинг 26-29 ноябри кунлари Қўқон шаҳридаги «Шўройи исломия» ташкилотининг қароргоҳида Туркистон Ўлка мусулмонларининг фавқуллодда тўртинчи қурултойи бўлиб ўтди. Эслатиб ўтайлик, 1917 йил ёзида бошқа сиёсий партиялар қаторида «Шўройи исломия»чилар Тошкентдан қувилган эди. Шунинг учун «Шўройи исломия» ва «Шўройи уламо» жамиятлари аъзолари Қўқон шаҳридан бошпана топган эдилар. Чунки Қўқон шаҳри собиқ хонликининг маркази бўлиб, унда шу вақтларда 50 минг-дан ортиқ аҳоли яшар эди. Қирқ мадраса, 382 та масжид бўлиб, уларда олти мингга яқин диний хизматчи бўлган. Аини вақтда шаҳарда ўн битта йирик халқаро банклар ҳам иш кўрган (қаралсин: Шомагдиев Ш. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961, стр. 36. Қўқон тарих-ўлкашунослик музейи фонди материаллари).

Қурултой чақирилиши олдидан турли жойларга тақлифномалар тарқатилган эди. Аммо бу вақтда ўлка маркази Тошкентда почта-телеграф ходимларининг иш ташлашлари давом этаётганлиги туфайли вакилларга тақлифлар (мандат) қўғозлари ўз вақтида етиб бормади.

25 ноябрь куни кечқурун съезд олди ташкилий йиғилиши бўлиб ўтган. «Туркистон ахбороти» рўзмасининг хабар беришича, 1917 йил 26 ноябрь куни Ўлка Мусулмонлар Шўросининг раиси ва Қурултойни ўтказиш ташкилий ҳайъатининг аъзоси Мустафо Чўқаев қурултойни очган. Биринчи бўлиб мандат (шаҳодат) ҳайъатининг аъзоси Норбўтабековнинг қурултойга келганларнинг таркиби ва сони хусусидаги ахбороти эшитилади. Унинг ахборотига кўра, қурултойга Фарғона вилоятидан – 150 киши, Сирдарё вилоятидан – 22 киши, Самарқанд вилоятидан – 21 киши, Каспийорти (Закаспий)дан – 7 киши, Бухородан – 4 киши келганлиги маълум қилинди. Қурултойнинг охирларига бориб вакилларнинг сони 250 тага етган. Қурултойга вакиллардан ташқари «Шўройи уламо», Мусулмон аскарлар Кенгаши, Ўлка яҳудий ташкилоти, Бухоро яҳудийлари, Касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлардан ҳам вакиллар қатнашган.

Қурултойда ҳайъат аъзолари сайлови анча мунозарали ўтган. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳайъат аъзолари тар-

кибига мусулмон бўлмаган (номусулмон) гуруҳларнинг вакиллари ҳам сайлашни тақлиф этди. Қўқонлик вакил А. Маҳмудовнинг тақлифига биноан ўн уч кишидан иборат қурултой ишининг раёсати (президиуми) сайланди. Улар орасида М. Чўқаев, У. Хўжаев, Ю. Оғаев (Юрғули Оғаев), Акаев, Гернфельд (Герцфельд), А. Маҳмудов, Шоаҳмедов, Қишчинбоев, Абдул Бадин, Камол қози, Ўразаев, Тиллаев, Каримбоевлар бор эди. М. Чўқаевнинг тақлифига биноан бухоролик (самарқандлик) вакил, таниқли арбоб Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ҳайъат таркибига киритилди. Бу тақлифни мажлис аҳли олқишлар билан қарши олди.

Қурултойнинг кун тартиби тасдиқланди. Кун тартибидagi масалалар орасида қуйидагилар бор эди:

1. Ўлканинг бошқарув шакли ҳақида. 2. Туркистон Мухториятини тузиш тўғрисида. 3. Туркистон Мусулмонлар Кенгашини қайта сайлаш ҳақида. 4. Туркистон Таъсис мажлисини ўтказиш. 5. Туркистоннинг «Қазак қўшинлари, тоғли Кавказ ва эркин саҳройи халқлар жануби-шарқий Иттифоқи»га аъзо бўлиши ҳақида. 6. Халқ милициясини тузиш. 7. Молиявий ишлар ва бошқа масалалар.

Изоҳ: 5-пунктда кўзда тутилган иттифоқ 1917 йил 20 октябрда тузилган эди. Унга кўра казак аскарлари, Кавказнинг тоғли халқлари ва чўлларнинг эркин миллатларидан ташкил топган бўлиб, Россияни халқчил федератив жумҳуриятга айлантириш мақсадида вужудга келган («Свободный Самарканд», 6.XII.1917). Шартномада Туркистонга буғдой етказиб бериш ва ва бошқа товар айрибошлаш масалалари ҳам бор эди. Бу эса Туркистонга яқинлашиб келаётган очарчиликни даф қилишда муҳим стратегик аҳамиятга эга эди.

Кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишда Туркистонни «Шарқий-жанубий иттифоққа» кириши масаласи бирмунча мунозарали бўлган. Атаман Дутовнинг вакили олиб келган шартнома лойиҳасига айрим вакиллар қарши чиқдилар. Улар тузилажак Туркистон Мухториятининг ана шу шартномага кирмаслигини ёқладилар. Шунга қарамасдан шартнома қабул қилинди. («Вақт», 1917 йил 2 декабрь). Уч кун давом этган қурултойда жуда қизғин мунозара ва тортишувлар бўлган. Тошкент Шўролар ҳукуматидан вакил бўлиб келган П. Г. Полторацкий қурултойда нутқ сўзлади. У ўз нутқида тузилажак Мухториятга қарши чиқди ва қарши гапирди. Унинг нутқи қурултой қатнашчиларининг бирортасига ҳам таъсир этмади.

27 ноябрдан 28 ноябрга ўтар кечаси Туркистон Умуммусулмонлар қурултойининг қарори ўқиб эшитирилди. Карорда, жумладан шундай дейилган эди: «Қурултой Туркистонда яшовчи миллатларнинг иродасини ифодалаб, Улуғ Россия инқилоби ваъда этган ўз тақдирини ўзи ҳал этиш негизида, Федератив демократик Россия жумҳурияти асоси узра, Туркистонни территория жиҳатдан мухторият шаклида белгилашни топширди», «Туркистонда яшовчи миллий озчилик ҳуқуқлари ҳар томонлама муҳофаза этилади».

Қурултойда давлат тузилмаси масаласи муҳокама

этилиб, унда Туркистон Мухторияти деб белгилашга келишиб олинган эди. Қурултойнинг 20 ноябрь кунги мажлисида Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Таъсис Мажлиси чақирилишига қадар бутун ҳокимиятни Туркистон Вақтли Кенгаши ва Туркистон Халқ Бошқаруви қўлида бўлади, деб қарор қилинди. Туркистон Муваққат Шўроси – Туркистон Республикасининг таркиби тузилиб, унинг аъзолигига 34 киши сайланди. Кенгаш илгари Туркистондан Бутунроссия Таъсис мажлисига юборилган вакиллар сонига қараб белгиланди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига – миллат мажлисига 54 киши сайланди. Сайланганлардан учдан бир қисми оврўполик вакилларга ажратилди. «Хуррият» рўзномасининг 1917 йил 1 ва 5 декабрь сонларида қарор матни, ҳукумат таркиби ва умуман қурултой ҳақидаги ахборот эълон қилинган.

Сайланганларнинг 36 нафари мусулмон ва 18 нафари ғайри-мусулмонлардан (оврўполилар умумий аҳолининг 7 фоизини ташкил этган) сайланган. Булар орасида мусулмонлардан М. Беҳбудий (Бухоро), У. Хўжаев, Носирхон тўра, Абдуқодирбек Қўшбеғиев, И. Шоаҳмедов, Ҳ. Юрғули-Оғаев, А. Маҳмудов, Ашурхўжа, Д. Қорабеков, А. Ҳазаев, М. Мирзааҳмедов (Фарғона), Муҳаммад Тинишбоев, И. Давлетшин (Еттисув), Ўроз Сардор (Туркменистон), Мустафо Чўқаев (Қозоғистон) Ш. Лапин, С. Бойсаидов, Т. Норбўтабеков, С. Миржалилов, И. Губайдуллин, К. Ҳожинов, С. Шарифхўжаев (Сирдарё), А. Абдусалимов, С. Герцфельд, А. Дербисолин, М. Оқчурун, Мансуров (Самарқанд). Л. Ширинский, Ғ. Мусабоев, О. Шокирхонтўраев, К. Раҳмонбердиев, А. Умаров, С. Юсупов (Каспий бўйидан) ва бошқалар.

Мана шу ўн саккиз ўрин ичида социал-демократлар, дашноқцутюн (арман), эсэрлар, украин, поляк, яҳудий (маҳаллий ва оврўполи), темир йўлчилар иттифоқи каби сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотларнинг ҳам вакиллари бор эдилар. Шунингдек, улар орасида Намангон, Андижон, Скобелев (Фарғона), Тошкент каби шаҳарлардан келган вакиллар ҳам бор эди. Оврўполиклар ичида Потеляхов, Вадьяев, Герцфельдлардан ташқари ҳукумат ичида адвокат Ненсберг, Тиц (Андижон) кабилар ҳам иштирок этдилар.

Туркистон Мухторияти Муваққат Миллат мажлиси (парламентга) танланган ана шу ва бошқа кишилар иштирокида Туркистон Муваққат ҳукумати тасдиқланди ва у қуйидагича тузилди:

1. Муҳаммаджон Тинишбоев – ҳукумат раиси (нозир) ва Ички ишлар нозири (У «Олош Ўрда» (қозок) партиясининг раҳбари, Иккинчи Давлат думасининг аъзоси, Туркистон темир йўл инженерлари қўмитасининг аъзоси, касби инженер);

2. Ислон Султон Шоаҳмедов – раис ўринбосари (Умуммусулмонлар Кенгашининг аъзоси, Думадаги доимий ишончли вакил, касби адвокат);

3. Мустафо Чўқаев – Ташқи ишлар нозири (Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси аъзоси, Ўлка Мусулмонлар Кенгашининг раиси, касби юрист, адвокат);

4. Убайдулла Хўжаев – Халқ милицияси ва Хавфсиз-

лик нозири (Умумрусия Мусулмонлар Кенгаши Марказий Қўмитасининг аъзоси, касби юрист, адвокат);

5. Ҳидоятбек Юрғули-Оғаев – Ер ва сув ишлари нозири (касби агроном-олим);

6. Обиджон Маҳмудов – Озиқ-овқат ишлари нозири (Қўқон шаҳар думаси раисининг ўринбосари);

7. Соломон Герцфельд – Молия нозири;

8. А. Маҳмудов – Адлия (юстиция) нозири;

9. Чанишев (полковник) – Ҳарбий мудофаа нозири, Бош қўмондон;

10. Саидносир Миржалилов – Хазина Ишлари Нозири ва бошқалар.

(Қаралсин: «Туркестанский вестник», 1917 йил 6 декабрь).

Туркистон мусулмонларининг тўртинчи фавқулудда қурултойи ўз йиғилишининг охириги босқичида, яъни 29 ноябрда Муваққат Миллат мажлиси ва Муваққат ҳукумат аъзоларининг муҳофазаси ва дахлсиздиги ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда шундай дейилган: «Булардан ҳар бирига қарши зўравонлик бутун ўн миллионли Туркистон халқига қарши таҳқир деб билинади». Қурултой қатнашчилари болшевиклар томонидан тузилган Тошкент қизил ҳукуматининг (ҳибсга олишлари, тинтув ўтказишлари ва ҳ. з.) нотўғри ҳатти-ҳаракатларини қоралаб қарор қабул қилди ва ҳибсга олинган кишиларни озод этишни талаб қилди.

Қурултой сўнигида Бутун Туркистон фуқароларига, сиёсий партияларига, ташкилот, муассаса ва ҳаракатларга қарата уларни аҳиллик, ҳамкорлик, бирдамликка чақирувчи Мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда жумладан шундай дейилган: «Занжирлардан бўшагон Туркистон ўз ерининг ҳоқими ва ўз тарихининг яратувчисига айланадиган вақт келди!» (қаралсин: «Свободный Самарканд», 6 декабря 1917 г.).

Туркистон Республикаси Мухтор парламенти эълон қилинган, бутун мусулмонлар олами уни севинч ва кўтаринкилик руҳи билан қарши олди. Жойларда уни қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар, йиғилиш ва намойишлар бошланиб кетди. Бу ҳаракатлар шўровий тарихчилар ёзишганидек, норозилик кайфиятидаги чиқишлар эмас, балки унинг тескарисини бўлган. Тарихий фактларга мурожаат қилайлик.

Илгари Мухторият ғояларига қарши турган рўзномалар, масалан, «Курьер», «Туркестанское слово» ва бошқалар энди ўз муносабатларини тубдан ўзгартириб, мусулмонларни ўз ҳокимиятларини ҳимоя қилишга даъват этдилар. «Свободный Самарканд» рўзномасида С. Никифоров эълон қилган мақолада: «Давримиз учун муҳим бўлган қурултой қарорлари ушбу чекка миллий ўлканинг ҳаётида янги саҳифа очилганлигини англатади», деб ёзган (қаралсин: ўша газета, 1917 йил 7 декабрь).

30 ноябрь куни Қўқонда мусулмон меҳнаткашларининг кўпминг кишилиги намойиши бўлган. Унда мусулмон ҳукуматини ҳимоя қилишга қаратилган қасамёд қилинган. «Туркестанский вестник» рўзномасининг хабар беришича, Тошкентнинг



Жомеъ масжидида жуда катта митинг бўлган. Унда «Нотиклар ҳаяжон ва кўзларида ёш ила янги ҳаёт бошланиши ҳақида сўзлаганлар» (қаралсин, ўша рўзнома 1917 йил 8 декабрь). Митинг иштирокчилари Мухториятга ёрдам бериш учун жамғарма йиғишга ҳам қарор қилдилар. Митингда Мухторият ҳукумати раҳбариятининг имзоси билан эълон қилинган Мурожаат ўқиб эшиттирилганда ҳамма йиғлаган.

«Туркестанские ведомости» рўзномасида Сталин-Ленин имзолаган «Россия ва Шарқнинг мусулмон меҳнаткашларига хитобнома» эълон қилинди. Худди шу кунларда Тошкент Шўролар ҳукуматининг раҳбари Ф. Колесовнинг фармонида биноан Тошкент шаҳар думаси тарқатиб юборилди. 6 декабрь куни бундан норози бўлганларнинг Тошкентда митинги ўтказилади. Митингда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор қабул қилинди. Унда шундай дейилган: «Комиссар Колесовнинг шаҳар думасини тарқатиш ҳақидаги буйруғини тинглаб, йиғилиш бир овоздан мазкур ғайриқонуний буйруққа қарши қизғин эътироз билдиради. Модомики, шаҳар думаси умумий, тенг, бевосита ва махфий овоз бериш йўли билан сайланган бўлиб, Тошкент шаҳрида якка-ягона халқчил, демократик ташкилот ҳамда 300 мингли шаҳар нуфусининг хоҳиш-иродасини асл ифода эта билувчи муассасадир. Дума аъзоларига ўз ишларини давом эттириб, уларни сайлаган халқ ҳимояси ва муҳофазаси остига ўзларини топширишни белгилайдилар» (Туркестанский вестник», 8 декабрь 1917 г.).

Тошкент шаҳар думасининг охирги ёпилиш йиғилишида депутат Ибнямин Ёнбоев сўз олиб шундай деган: «Ҳозирги ҳокимиятнинг (гап Колесов раҳбарлик қилаётган Кизил ҳукумат устида бораётир – Й. Қ) тан олинган демократлиги даргумон. Ушбу ҳокимият мусулмонлар номидан гапириши қип-қизил ёлғон... Мазкур ҳокимиятнинг асл кучи тўп ва пулемётлардир. Лекин биз, мусулмонлар бу кучдан қўрқмаймиз. Бизда ўзга куч мавжуддирки, бу куч руҳимиздир. Тарих ушбу сохта ҳокимиятнинг амалини қоралайдиган вақт, албатта келажак!» («Туркестанский вестник», 9 декабря 1917 г.)

Раҳмат Сизга Ибнямин бобо! Худо раҳматига олган бўлсин руҳингизни! Сиз бундан 75 йил муқаддам бугунги дорилмон кунларимизга – Мустақиллик кунимизга тирик етиб кела олмадингиз. Аммо Сиз бу кунларни олдиндан кўра билгансиз. Тарих ва давр тақозоси билан бугун биз Колесов ҳукуматининг жирканч моҳияти ва мақсадини очиб ташловчи фактларга мурожаат қилиб, Сиз кўрган ва биз ҳужжатлар орқали таниш ҳокимиятнинг мусулмонларга – туб туркистонлик аҳолига нисбатан амалга оширган қора ишлари ва ниётларини ўрганишга муяссар бўлаётимиз. Бу ҳақдаги тарихий ҳақиқатни ҳаммамиз билишимиз шарт, азиз ватандошлар!

(Давоми бор)

МИЯНИ КЕМИРАЁТГАН САЛАФИЙЛИК

Африкада Ислом тамаддуни тарихи маданиятига боғлиқ осори атиқалар, ёдгорликлар йўқ қилинмоқда ва буни мусулмонлар ўз қўллари билан қилишмоқда. Бунинг устига улар ўз қилмишларидан хурсанд бўлиб, бу ишларини “Аллоҳ йўлидаги хизмат”, “ширк билан кураш” деб аташмоқда.

Мали шимолидаги каттагина ҳудудни назорат қилаётган “Ансаруд-дин” (“Дин жонкуярлари”) ҳаракатининг аъзолари ЮНЕСКО томонидан бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган Тимбукту шаҳридаги Исломнинг меъморий, маданий ва тарихий ёдгорликларини вайрон қилишди. Булар ичида учта масжид, Тимбукту бош мадрасаси ва ўн олти нафар валий зотнинг мақбараси бор эди, бу валийлар дунёга машҳур уч юз ўттиз уч авлиёнинг рўйхатида эди. Вайрон қилинган ёдгорликлардан Сиддиқ Маҳмуд мақбараси 1548 йилдан бери мавжуддир.

Таъкидлаш лозимки, мақбараларни вайрон қилиш Малидаги “ансор”лар тарафидан амалга оширилаётган биринчи иш эмас. Улар баҳорда масжидларнинг бирига ўт қўйишган ва 1973 йили бунёд қилинган Аҳмад бобо номидаги қўлёзма ҳужжатлар ва тадқиқотлар марказини ҳам талон-тарож қилишган эди. Мали Маданият вазирлиги берган маълумотга кўра, марказ кутубхонасида олтмиш мингдан юз минггача нодир қўлёзма асарлар ва ҳужжатлар бўлиб, унда Африка ғарбида Ислом тараққиёти ва тарихи бўйича бебаҳо маълумотлар бўлган. Умуман олганда Тимбуктуда Африкадаги мусулмонлар тамаддунига оид 300 000 га яқин қўлёзма сақланади. Ўн биринчи асрда асос солинган бу шаҳар бугун “дин жонкуярлари” сабабли ўзининг буюк меросидан айрилиш арафасида турибди.

ЮНЕСКО бош директори олдинроқ Мали

ҳукумати ва исёнчи туарегларни Африканинг энг қадимги шаҳарларидаги мазкур ёдгорликларни сақлаб қолишга чақирган эди. Бу шаҳар 1988 йилдан бери ЮНЕСКОнинг халқаро мероси рўйхатида киритилган. “Тимбукту ва унинг учта буюк масжиди шаҳарнинг ўтмишдаги ақлий (интеллектуал) ва маънавий соҳаларда юксалишининг “олтин асри” ёдгорлиги ҳисобланади. Бу масжидлар Африкада Исломнинг тарқалишига улкан хизмат қилган”, дея таъкидлайди бош директор.

Бироқ, на Ислом уламоларининг даъватлари, на халқаро ҳамжамиятнинг чақириқлари “Соф ислом жонкуярларини” тўхтата олмади. Чунки уларнинг ўз нуфузли ҳомийлари ва ақл ўргатувчилари, ўз ҳужжат-далиллари бор. “Бу ердаги ҳамма нарсаси ҳаром. Биз мусулмонлармиз, ЮНЕСКО ўзи ким бўлибди?” дейишади уларнинг пешволари.

“Ансор”ларнинг айтишига кўра, Тимбуктуни зиёрат қилаётган жуда кўп одамлар турли хил ширк амалларни қилишаётган эмиш. Улар дин тарихига тегишли ёдгорликларни ибодат тимсолига айлантириб олишганмиш. Бу эса Исломда ҳаром қилинган ва кўпхудолилиқка тарғибот ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, 2012 йилнинг март ойида Малида ҳарбий тўнтариш бўлиб, унда президент Амаду Тере ағдариб ташланди. Кўчманчи туареглар ва “Ансаруд-дин”нинг жангари аъзолари ҳукуматга қарши исён кўтариб, Мали шимолида ўзларининг мустақил давлатларини тузишганини эълон қилишди.

Афсуски, Африкада бўлаётган нарсалар бош мияни кемирувчи “салафия” хасталигидан келиб чиқмоқда ва бу нарсаси Ислом оламининг бошқа жойларида ҳам рўй бермоқда. Албатта, ҳозирча иш Русиядаги Булғор ёдгорликларини, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари

иштирокида қурилган Дарбантдаги масжид ёки авлиёларнинг мақбараларини бузишга-ча етиб боргани йўқ. Бироқ, Мали руҳидаги чақириқлар бу ерларда ҳам янграб, эшитилиб турибди.

Бизнинг “жонкуярлар” масаланинг сабаби билан эмас, унинг оқибати билан курашиб ётишибди. Агар кимдир билмасдан ширк амалини қилса, марҳумларга сиғинса ёки масжид ёки мақбарадан мадад сўраса, қандайдир “муқаддас” жойдан барака тиласа, бундай одамларга тушунтириш, уларни тўғри йўлга солиш керак. Уларга Ислom асосларини тушунтириб, шарҳлаб бериш керак. Тавҳид нима ва ширк нима билдириш керак. Аммо ҳеч кимга халал бермаётган, зарари тегмаётган масжидлар, улуғ шайхларнинг мақабарларини, Ислom тараққиёти ва тарихига оид ёдгорликларни вайрон қилиш ғирт аҳмоқлик ва бефойда ишдир. Жоҳил ва оми одамлар барибир ўзларига сиғингани бошқа маъбуд топиб олишаверади.

Ўн еттинчи – ўн тўққизинчи асрларда Британияда ишчилар қўзғолон кўтариб, ўзларининг барча кулфатларига корхоналардаги тўқиш ускуналари сабаб, дея уларни бузиб ташлашган эди. Улар “луддит”лар дея ном олишган. Улар тўқиш машиналарида айб йўқлигини, ҳамма гап адолатсиз иқтисодий експлуатацияда эканини кўра билишмаган. Бу мантиққа асосан ошхона пичоғини ишлатишни ҳам тақиқлаб қўйиш мумкин, чунки у билан қотиллик қилса бўлади.

Ислom оламининг марказий қисмларида бундай ғоялар озми-кўпми барҳам топди, лекин унинг чекка ҳудудларида “луддитлар” шафқатсиз равишда ўз ёвузликларини давом эттиришмоқда. Улар ўзларини “Ислom “курашчилари” деб аташгани билан амалда Ислom меросини йўқ қилишмоқда.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло ўз бандаларига ер юзида сайр қилиб, ўтмишдаги қавмларнинг излари ва асоратларини кўришга буюрган. Парвардигор бизларни шу тарзда ўтмишдан сабоқ олишга чақиради. Уламолар эса, шу оятларни далил қилиб, тарихий ва маданий меросни асраш лозимлигини айтишган. Яъни, “ансор”лар қилаётган нарсa нафақат “луддийлик”, балки ношаръий нарсa ҳамдир.



Уларни ҳатто ўтмишдаги мусулмонларнинг бирортаси Африкадаги ёдгорликларга қўл кўтармагани далили ҳам тўхта олмади. Афғонистонда ҳам худди шунга ўхшаш воқеа содир бўлган эди. Али розияллоху анҳунинг халифалиги даврида келган Ислom фотиҳлари Бомийндаги будда ҳайкалларини вайрон қилмагани ҳам толибларга таъсир қилмай, барибир уни вайрон қилишди. Тўғри, толиблар кейинчалик ўз ҳаракатларини диний вaж билан эмас, балки сиёсий сабабларга кўра амалга оширишганини асослаб беришган, аммо бу ҳол дунё аҳлида нохуш кайфият уйғотди.

Оммавий ахборот воситалари кўпинча ўрта аср даврининг жоҳилликлари билан қўрқитишади. Бироқ бугунги кунда ҳам гувоҳ бўлишимизча, ўрта асрлардагилар ҳозиргиларга қараганда анча маданий ва ўқимишли бўлишган экан. Ўзини “салафи солиҳларнинг издоши” деб эълон қилиш билан ҳеч нарсa ўзгармайди. Бундайлар ҳеч бўлмаганда бу сўз нимани англатишини тушунишни ва буни тушуниб бўлгач эса шунга мувофиқ иш тутиш кераклигини билиб олишса, ёмон бўлмасди.

Ринат Абдулла МУҲАМЕДОВ.
Русчадан Абу Муслим таржимаси.

Дуо қилишнинг қирқ одоби

Ислом суннатларидан бири дуодир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Дуо ибодатдир», деганлар. Дарҳақиқат, банда чин қалбдан дуо қилар экан, Аллоҳга маънавий яқинлик ҳосил қилади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: У зот айтдилар: «Сизларни душманларингиздан ҳимоя этувчи ва ризқларингизни мўл-кўл қилувчи бир нарсага йўллаб қўяйми?! Кечаю кундуз Аллоҳга дуо қилинг, чунки дуо мўминнинг қуролидир!»

Дуонинг бир қанча одоблари борки, улар тўлиқ бажарилса қабул бўлиш эҳтимоли янада ортади. Қуйида шулардан айримларини сиз, азизларга илиндик.

1. Ҳалол луқма. Яни дуо қилувчининг егулиги ҳалолдан бўлсин.

Саъд ибн Абу Ваққос дуолари ижобат бўлмаганидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилди. Шунда жанобимиз унга шундай маслаҳат бердилар: «Эй Саъд, ҳаром (луқмани емак)дан чекингин! Чунки кимнинг қорнига ҳаром луқма кирар экан, унинг дуоси қирқ кунгача ижобат бўлмас»

2. Ҳалол-пок либос. Яъни либослари ҳалол ва нажосатлардан пок бўлсин.

3. Аллоҳ таоло дуосини қабул этишига шубҳа қилмасин. Балки ишонч, кўнгил хотиржамлиги билан дуо қилсин. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ижобатига ишонган ҳолингизда Аллоҳга дуо қилинг! Билиб қўйингки, ғофил ва сўраган нарсасига эътибори йўқ кимсаларнинг дуосини Аллоҳ ижобат қилмас!»

4. Хато ва гуноҳларига янгидан тавба қилсин. Чунки ички ва ташқи поклик дуонинг ижобатини тезлаштиради.

5. Сўраган нарсасининг талабида шошма-шошарлик қилмасин. Ижобатига ишонч ва умид билан сабр қилсин. «Дуо қилдим-ку, нега мақсадим ҳосил бўлмайди?» деб қаноатсиз бўлмасин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Банданинг дуоси ижобат этилади. Фақат гуноҳни сўрамаса, қариндошчилик риштаси узилишини сўрамаса ва шошилмаса...»

6. «Истибто» қилмасин. Яъни мақсад ҳосил бўлишига эҳтиёжсизлигини изҳор қилиб «Ижобат бирор кун бўлар», демасин, балки ўз муҳтожлигини тан олган ҳолда ижобатни умид билан, мушток бўлиб кутсин.

7. Дуосида малолланмасин, чунки малолланувчининг дуоси қабул этилмайди.



8. Ижобатни Аллоҳ таолонинг ихтиёрига ташлаб қўямасин. Яъни худди ўзини муҳтож эмасдай кўрсатиб, «Хоҳласанг мени кечир, хоҳламасанг кечирма, ихтиёринг» деганга ўхшаш дуо қилмасин. Балки Аллоҳга зорланиб, илтижо билан ялиниб-ёлборсин.

9. Дуони кетма-кет, ҳатто етти мартагача бардавон қилсин.

10. Зиёнга кирганидагина эмас, балки неъматларга кўмилиб, роҳат-фароғатда яшаётган чоғида ҳам дуодан юз ўгирмасин. Шундай қилса, бошига мусибат тушганида дуоси тезроқ ижобат этилади.

11. Дуодан олдин Аллоҳга ҳамду сано, Расулulloҳга саловот-саломлар айтсин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дуо қилишни тавсия этганлар.

12. Гуноҳкор, осий эканини эътироф этиб, ихлос билан дуо қилсин.

13. Дуосида, оммани, мусулмонлар жамоасини унутмасин. Улар ҳаққига ҳам яхши дуо қилсин. Шунингдек, ўзини билган ва билмаган барча гуноҳларининг авфини сўраб, барча ҳожатларини раво бўлишини Аллоҳдан талаб қилсин.

14. Дуо сўзларини қўшиқ айтгандек оҳангга солиб талаффуз қилмасин.

15. «Ғариб (ажабтовур) дуо» қилмасин. Яъни, «Эй Роббим, менга жаннатнинг ўнг томонидан оқ рангли, чап тарафидан яшил тусли қаср ато этгин» деганга ўхшаш дуолар.

16. Аллоҳ илҳом этган яхшиликларни дуосида сўрасин. Дуо кўринишини олдиндан тайёрлаб олмасин. Акс ҳолда дуо чин қалб тубидан чиқмайди.

17. Дуода «таманни»дан сақлансин. Яъни сўраган нарсасини Аллоҳга топширди-да, уни юзага чиқариш ҳаракатига тушмади. Бепарво ҳолда «Аллоҳдан сўраб қўйганман, У албатта беради, бошқа ҳаракатга ҳожат йўқ» деб, дангасалик қилмасин.

18. Дуодан олдин таҳорат ва ғусл олсин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилишга ўргатганлар.

19. Қиблага юзланиб ўзи учун дуо қилишдан бошласин.

20. Қўлларини елка рўбарўсига кўтариб, кафтларни юзи томонга қарата очиб дуо қилсин.

21. Чўккалаб ўтирган ҳолда дуо қилсин.

22. Дуо вақтида қўлларининг тирсак юқорисини кўкрагига ёпиштириб олсин. Ҳудди мискинлар таом сўраб тиланаётган суратда бўлсин.

23. Дуода товушини баланд кўтармасин.

24. Дуо сўнггида қўлларини юзига суртсин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон дуодан фориғ бўлсангиз, юзларингга масҳ қилинглар», деганлар.

25. Дуосида «омийн» деб дуо қилсин.

26. Ижобатни ҳис қилганда Аллоҳга ҳамд айтсин. Ижобат вақти ортга сурилганида ҳам, унинг беҳикмат эмаслигини унутмаган ҳолда ҳамд айтсин.

27. Дуо учун энг яхши вақтларни танласин. Масалан: жума намозининг азон маҳали, жума кунининг охирги вақтлари, ҳар намоздаги азон ва такбир оралиғи, такбир вақти, чоршанба кун пешин ва аср оралиғи, ҳар кун завол вақти, саҳар вақти, жума кечаси, ражаб ойининг аввалги кечаси, шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси, ийд кечалари, айниқса Рамазон ойи ифтор вақтлари ва қалб эриб юмшаган вақтларни

ғанимат билиш керак. Убай ибн Каъб розияллоҳу анху Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида тиловат қилди. Тиловатга қулоқ тутган саҳобаларнинг қалблари «сариёғ»дек эриб кетди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалблар юмшаган вақтда дуо қилиб қолинглар, чунки у раҳматдир!» дедилар.

Аллоҳ таолонинг қудрат ва азаматига шоҳид бўлган вақтлар, беморлик вақтлари, ватанда йироқда бўлган вақтлар, яъни мусофирлик, фарз намозлардан кейинги вақтлар, хатми Қуръон вақтлари, Ихлос сурасини ўқигандан кейин, адади юздан ортиқ мусулмон жамоатида, сажда вақти, тиловатдан кейин, ёмғир вақти, маййит олдида, хўроз қичқирган вақтда, зикр мажлисларида, имом «валаддооллийн» деганда, Каъбани кўрганда кўпроқ дуо қилиб қолсин. Кўрсатиб ўтилган вақтларнинг дуо қилиш учун энг афзал вақтлар экани кўп аҳли илмлар тажрибасида синалгандир.


28. Дуо учун табаррук жойларни танласин. Масалан, пайғамбар ва солиҳларнинг дафн этилган маконлари, Масжидул-Ҳаром, хусусан Байтуллоҳ эшиги ва Мақоми Иброҳим оралиғи.

29. Дуода энг муҳим нарсаларни сўрасин. Масалан, мағфират, яъни гуноҳларнинг авф этилиши, офият, яъни дину-диёнатда саломатлик, соғлом ақида, муъфат, яъни Аллоҳ сизни бошқалар зиёнидан, бошқаларни эса сизнинг зиёнингиздан асрашини сўраш мақбулдир.

30. Дуо учун «жавомеъ», яъни лафзи қисқа, сермаъно сўзларни танласин. Оиша онамиз айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «жавомеъ» сўзлар билан дуо қилишни ёқтирар эдилар».

31. Энг афзал дуо кишининг ўзи учун, ота-онаси учун қилган дуоларидир.

32. Шунингдек, ғойибдаги биродари ҳаққига қилинган дуолар ҳам тез ижобат бўлиши айtilган.



33. Аллоҳ учун энг маҳбуб дуо: «Эй Аллоҳ, Мухаммад алайҳиссалом умматини кечиргин, уларга раҳм қилгин!» дуосидир.

Қуйдагиларнинг дуосини ғанимат билиш керак:

34. Беморнинг дуоси.

35. Адолатли раҳбарнинг дуоси. Чунки ривоятларда айтилишича: «Андаккина адолат олтмиш йиллик ибодат баробаричадир»

36. Мусофирнинг дуоси.

37. Аллоҳ йўлидаги ғозийларнинг дуоси.

38. Мазлумлар дуосидан эҳтиёт бўлиш лозим.

39. Ўзи учун ўлим ва бошқа балоларни сўраб дуо қилишдан сақлансин.

40. Фарзанд ва аҳлияларининг зиёнига ҳам дуо қилмасин, яъни қарғамасин. Шундай инсонлар борки ҳатто унга зулм қилувчиларни ҳам қарғаб дуо қилишмайди. Чунки золимдан чекилган азият бу дунёда оғир бўлса-да, охиратда киши фойдасигадир.

(Саййид Ализоданинг «Мафотиҳул-
жинон шарҳи Ширъатил ислом»
китоби асосида Андижон шаҳар
«Ўйгур» жомеъ масжидининг
имом ноиб
Ботирали Алишер ўғли тайёрлади).

ОИЗ ҚОРОНИЙ

Ё АЛЛОҲ!

«Осмонлар ва Ердаги жонзотлар Ундан сўрарлар. У Зот ҳар куни иш-амалдадир» (Раҳмон сураси, 29-оят).

Агар бўрон авжга чиқиб, тўлқинлар мавж уриб, денгиз талвасага тушса, кемадаги кишилар «Эй Аллоҳ!» дерлар.

Агар саҳродаги одам адашиб қолса, карвон йўлини йўқотиб қўйса, туядагилар сафарда саросимага тушса, «Эй Аллоҳ!» дерлар.

Агар бахтсизлик рўй бериб, фалокат содир бўлса, мусибатга дучор бўлган бечоралар «Эй Аллоҳ!» дерлар.

Агар талабгорлар қаршисида эшиклар беркилса, мухтожларнинг юзларига парда тўсилиб, унут бўлиб кетишса, «Эй Аллоҳ!» дерлар.

Агар ҳийлалар иш бермай қолса, йўллар тангу тор бўлиб кетса, орзулар сароблигича қолса, арқонлар чирт узилиб кетса, «Эй Аллоҳ!» дерлар.

Агар ер кенг бўлишига қарамай сенга торайиб кетса, нафсинг кўтариб юрган нарсалар қалашиб кетса, сен ҳам «Эй Аллоҳ!» дегин.

Аллоҳ учун пок сўзлар, холис дуолар, ростгўй кичқириқлар, айбсиз қон ва ҳаяжонга туширувчи қийинчиликлар кўтарилур. У Зот учун саҳар чоғида кафтлар чўзилур, ҳожатда эса қўллар, бало-офатда кўзлар, ҳодисаларда эса сўзлар билан Унинг исми сабабли тиллар куйга келиб, ёрдам сўраб, гипириб нидо қилур ҳамда Унинг зикри билан қалблар хотиржам бўлиб, руҳлар сокинлашиб, шуурлар тинчланур. Ва яна эс-ҳуш жойига келиб, кучли ишонч қарор топур.

«Аллоҳ бандаларига меҳрибондир» (Шўро сураси, 19-оят).

«Аллоҳ» сўзи энг чиройли исм, энг чиройли ҳарф, энг ростгўй ибора ва энг қимматли сўздир. «Унинг учун бирон “тенг”ни билурмисиз?» (Марям сураси, 65-оят).

Аллоҳ – беҳожат ва боқий, қувват-мадад берувчи ва ғалабага эриштирувчи, куч-қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир. «Бу кунда подшоҳлик кимникидир? Яккаю ягона ва Қахҳор Зот – Аллоҳникидир» (Ғофир сураси, 16-оят).



Аллоҳ – лутфу иноят ва ёрдам берувчи, яхшилик ва эҳсон улашувчи Зотдир. «Сизларга берилган барча ноз-неъматлар ёлғиз Аллоҳдандир» (Наҳл сураси, 53-оят).

Аллоҳ – улғудир, буюклик, ҳайбат ва куч-қувват соҳибидир.

Аллоҳим, азоб ва изтироб ўрнига тасалли, юпанч бер, хафалик вақтида шод-хуррамлик ва хавф пайтида тинчлик-омонлик билан сийла!

Аллоҳим, қалб аламини кучли иймон-ишонч суви билан поклагин. Руҳлардаги шубҳа-гумонлар чўғини иймон суви билан ювгин!

Эй Раббим! Тунда кўзи бедорларга омонлик мудроғини, изтиробли нафсларга хотиржамликни ато қил, ғалаба билан мукофотла!


Эй Раббим! Ҳайрон кўзларни Ўз нурингга йўлла, адашганларни тўғри йўлга ва йўлдан тойганларни ҳидоятингга бошла!

Аллоҳим! Субҳи содиқ нури билан васвасаларни аритиб, виждондаги ботилни ҳақ қўшини билан бартараф эт, шайтон ҳийлаларини Ўз аскарларинг ёрдамида даф қил!

Аллоҳим, биздаги хафаликни кетказ, ғам-андуҳларни аритиб, нафсларимиздан васвасаларни йўқот!

Барча хавфдан паноҳни фақат Сендангина сўраймиз, фақат Сенга суянамиз. Сенгагина таваккал қилиб, ёрдамни фақат Сендан тилаймиз. Сен бизнинг дўстимизсан. Бу дўст бунча ҳам яхши ва бунча ҳам яхши ёрдам берувчидир!

ОЛИМНИНГ ҲАЙБАТИ



Ҳар гал олимларни ҳурматлаш ва эҳтиром кўрсатиш, олимларнинг ҳайбати ва виқори ҳақида сўз кетганида ўзим гувоҳ бўлган учта кўнгилсиз воқеа эсга тушаверади...

Бундан кўп йиллар муқаддам водий шаҳарларидан бирида содир бўлган ҳодиса кўпларга ибрат бўлган эди. Даҳрий совет тузумининг пичоғи кесиб турган йиллар... Шаҳарда бор-йўғи иккитагина масжид бор. Ана шундай бир пайтда бир ёш қори имомликка тасдиқланиб келиб қолди. У қориликдан ташқари шаръий илмлардан ҳам яхшигина хабардор, бунинг устига нотиқликда ҳам пешқадам бўлиб, кўпчилик қалбига йўл топа олган эди. Унинг шуҳрати кун сайин ортгандан ортиб борарди.

Кўп одамларда учраганидай, шуҳрат-мартабанинг тинмай ошиши, ҳамманинг ўз атрофида гиргиттон бўлиши ўша қорини ҳаволантириб юборди. Энди илм мажлислари ва маъракаларда улўғ устозларни ҳам пойгақда қолдириб, ўзи тўрга чиқадиган, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, ўзиникини маъқуллайдиган одат чиқарди. Ҳатто бир кун шаҳарнинг энг баобрў, аммо ўзини камтар тутиб юрадиган бир олими билан бир фикҳий масалани талашиб, ўзиникини маъқуллаш учун унга ноўрин ташланиб қолди. Устознинг далилларини эшитгиси ҳам келмай, жеркиб ташлади. Дасти узун бўлиб турган олимчага гап уқтиролмаслигини сезган шайх тортишиб ўтирмай, беодоб қорини Аллоҳга ҳавола қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўша олимча хорижий юртга таҳсил олгани кетаётганида фалокатга учраб ҳалок бўлди.

Иккинчи воқеа ҳам ҳар қандай оқил ва инсофли одамда таассуф ва хижолатпазлик туғдиради. Юрт янги мустақил бўлган алғов-далғов пайтлар... Дин душманлари мусулмонлар орасига ихтилоф солиб, бир-бирига қарши гиж-гижлаётган кунларнинг бирида шаҳар масжидининг меҳроби манфаат ва нафс йўлида хусуматлашишни бошлаб юборган айрим мусулмонлар учун "жанг майдони"га айланди. Шунда узоқ йиллар мамлакатдаги минглаб аҳли илмларга устозлик қилган, тақвоси ва ихлоси билан танилган бир устоз масжидда бақир-чақир қилаётган ёшларни инсофга чақирмоқчи, уларга панду насиҳат қилиб, душман фитнасига учмасликни тушунтирмоқчи бўлди. Шунда ҳали оғзидан она сутининг юқи ҳам кетмаган бир ўспирин сансираб: "Ҳей, менга қара, сенга ким сўзлашга рухсат берди, бу ерда фақат биз гапирамиз!" деб ўдағайлади. Бу ҳам

етмагандай, атрофидаги ҳайбарақаллачиларга "Бу сотқин домлани бу ердан ҳайдаб чиқаринглар" деб ҳам буюрди. Устоз ҳеч нарсани эшитишни ва тушунишни истамаётган жоҳил оломонга надомат билан бир қараб қўйди-да, жимгина бошини эгиб, масжиддан чиқиб кетди.

Буниси эса Тошкент шаҳрининг Эскишаҳар қисмидаги хонадонлардан бирида содир бўлди. Эллик чоғли одам тўпланган илм мажлисида улўғ уламо-лардан бири амри маъруф қилаётган эди. У кишининг суҳбат мавзуи ҳалол ва ҳаром ҳақида эди. Устоз сўзини тугатар-тугатмас, уйнинг пойгақроғида ўтирган бир йигитча ҳеч қандай ижозат сўраб ўтирмай, дабдурустан "Менинг бир саволим бор?" деб қолди. Гапи бўлиниб, бироз малолланган устоз индамай унинг оғзига тикилди. Шунда йигит хориждан келган пулларнинг ҳидига маст бўлиб юрган айрим фитначиларнинг одатда мусулмонлар бирлигига раҳна солиш ва улар орасида фитна қўзғаш мақсадида бериб турадиган "навбатчи" саволлардан бирини берди. Олим бу саволга жавоб берганида ҳам ўша йигитнинг тинчимаслигини сезиб, "Суҳбатимиз одамларни хийла толиқтириб қўйди, саволингизга бир-икки сўз билан жавоб қайтаришнинг эса имкони йўқ, шунинг учун бафуржа учрасангиз, яхшилаб тушунтириб қўяман", деб ноқулай вазиятдан чиқмоқчи бўлди. Шунда бояги йигитча шартта ўрнидан сакраб турди-да, қўлини паҳса қилиб устозга ўшқира кетди: "Уламоларнинг бари шунақа, одамлар тушунмаган нарсасини сўрамоқчи бўлса, мингта баҳона топади, жавоб бергиси келмайди, ҳайф сенларга берилган илм!" деб қичқирдию, шартта хонадан чиқиб кетди. Бир уй одам кайфияти расво бўлиб, шундай ширин илм суҳбатининг лаззатидан маҳрум бўлганича қолди.

Юқорида зикр этилган нохуш воқеалардан қандайдир хулосалар чиқаришга ҳам, бундай кўнгилсиз воқеалар ортидан туғиладиган баъзи саволларга жавоб топишга ҳам одам қийналиб кетаркан. Саволлар эса тинмай мияни кемиради: "Илм пешвосига, улўғ устозларга бундай беодобликни бу кишилар қаердан ўрганишди? Аждодларимиз ўзларига оқ-қорани танитувчи, дўзах оловидан огоҳлантирувчи, ҳақни тушунтирувчи устозларга ўтмишда шундай муомала қилишганмиди? Тилларда зарбулмасал бўлиб кетган олимлик ҳайбатияю, виқори, олимга қилинадиган ҳурмат-эҳтиром қаёққа ғойиб бўлди?"

Бу саволларга тузукроқ жавоб ҳам топа олмайсан! Ваҳоланки, бироз фикрловчи, муаммога инсоф, адолат назари билан боқувчи ҳар бир одам бу ҳақда жиддий бош қотириши керак. Ҳеч бўлмаганда ўша беодоб йигитчани тартибга чақириши, илм йўлида соч-соқоли оқарган олим билан ўзининг кўчадаги тенгқурига қилинадиган муомалада анча фарқ бўлиши кераклигини қони қайноқ йигитчага тушунтириб, шундай дейиши зарур: “Ҳой йигитча, энди бир мулоҳаза қилиб кўр: сен ҳар қандай одобни унутиб ташланаётган ана шу олимнинг дин йўлидаги хизматининг юздан бирини қилишга улгурдингми? У умри давомида ўқиган минглаб китобларнинг бештасини ақалли ушлаб кўрганмисан? Унинг сендақа нодонлардан минглаб нафарини ҳақ йўлга буриб қўйганидан, уларни Ислом маърифатига ошно қилиб қўйганидан хабаринг борми? Сен мазза қилиб ошналаринг билан кўнгилхушлик қилаётганингда, телевизор қаршисида вақтингни со-вураётганингда, тоғ сайрига чиқиб нафсингни лаззатга чўлғганингда ёки уйқуни уйқуга улаб роҳатланиб ётганингда ўша олимнинг тунларни оқартириб китоб ёзаётганидан, талабаларга сабоқ бериб, уларни дин ва дунё илмидан хабардор этаётганидан, одамларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариш мажлисла-рида иштирок этаётганидан, уларнинг минглаб савол-ларига жавоб излаб, жилд-жилд китобларни неча бор титкилаб чиқаётганидан хабардормисан?”

“Мевали дарахтга тош отилур” деганларидай, жоҳиллар ҳамиша олимларни назар-писанд қилмай ўтишган. Улар шаънига нолойиқ гапларни ёки ишлар-ни қилишган, ёмонотлиққа чиқаришган. Ёхуд ҳасад ту-файли олимга қарши фитна ёки тўхмат уюштириш би-лан машғул бўлишган. Фикримиз исботи учун биргина мисол билан кифояланамиз.

Аллома Ажлуний “Ал-Фавоидуд-дирорий” асари-да ушбу ибратли ривоятни келтиради: “Имом Бухорий илм талабида денгиз сафарига чиққанида ёнида минг диноҳ пули бор эди. Кемадаги йўловчиларнинг бири Имомга ўзини яқин тутиб, иззат-эҳтиром кўрсатди, суҳбатидан баҳраманд бўлди. Унинг дўстона муносаба-тини кўриб, Бухорий ҳам унга самимий муомала қилди, алоҳида илтифот кўрсатди. Суҳбатлар асносида бояги одам Имомда минг диноҳ пул борлигидан воқиф бўлди. Бир куни олимнинг суҳбатдоши ўрнидан туриб, хўнг-хўнг йиғлашга тушди, кийим-бошини йиртиб, бақир-чақир қилди. Одамлар унинг фиғонини кўриб, сабаби-ни сўрашди. У ўзини жабрдийда кўрсатиб, ҳамёнидаги минг диноҳи йўқолганидан шикоят қилди. Шунда му-фаттишлар (тафтишчилар) кемадаги йўловчиларни биттама-битта текшира бошлашди. Шу аснода Имом Бухорий ўзларидаги пулларни ҳамёни билан денгизга улоқтирдилар. Тафтишчилар Имомни ҳам текшириб, ҳеч нарса топиша олмади. Улар “пул йўқотган” кимсага эса ёлғончилиги учун танбеҳ беришди. Манзилга етиб келиб, ҳамма кемадан тушгач, бояги одам Имом Бухо-рийнинг ёнига келиб, ўзларидаги минг диноҳни нима қилганини сўради. Имом Бухорий: “Денгизга ташлаб

юбордим”, дедилар. “Шунча пулни-я?!” ҳайратга ту-шиб сўради у. Шунда Имом: “Эй жоҳил, бутун ҳаётимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини тўплаган, ҳамиша ҳалол, тўғри яшаган бўлсам, нечук иззат-нафсимни бир ўғрининг тўхматига гирифтор қиларканман, бутун умрим давомида йиққан ишонч ва адолат дурини қандайдир диноҳлар эвазига сотаркан-ман?!” деб жавоб қайтардилар.

Олимлар Аллоҳ суйган, Аллоҳдан энг қўрқувчи, Аллоҳга энг яқин бўлган саодатманд инсонлар, пайғамбарларнинг ворисларидир. Қуръони ка-рим “Аллоҳдан бандалари орасидаги олимлариги-на кўрқурлар” (Фотир, 28), деб башорат берган. Бир ҳадисда шундай дейилган: «Олимнинг обидга нис-батан фазли, яъни ортиқлиги ойдин кечада ойнинг бошқа юлдузлардан зиёда, ортиқлигига ўхшайди. Дарҳақиқат, уламолар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар диноҳ ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдиришмаган, улар фақат ўзларидан илмни мерос қилиб қолдиришган. Ким бу илмни олган бўлса, у қандайин катта бахтни қўлга киритибди!» (Имом Термизий, Абу Довуд, Ибн Можалар ривояти). Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Олимларнинг даражалари мўминлар даражасидан етти юз даража юқори туради ва ҳар икки даража ўртасидаги фарқ беш юз йиллик масофага тенг бўлади». Имом Ҳасан (раҳматуллоҳи алайҳ) айт-дилар: «Уламолар бўлишмаганида эди, инсонлар гўё ҳайвонларга ўхшаб қолишарди».

Шунинг учун улар шўҳрат, обрў ва мансабга учиш-маган, мол-дунё ва бойлик кетидан қувишмаган, ўз роҳат-фароғатларини ўйлашмаган, жамиятдаги одамларга ёқишга уринишмаган, уларнинг маломатидан кўрқишмаган. Кўпларининг мол-дунё топиш-га имкониятлари бўлатуриб, жуда оз нарса билан қаноатланишган, фақирона ҳаёт кечиришган. Бутун ҳаракатлари, изланишлари, интилишлари одамлар ора-сида илоҳий маърифатни ёйиш, уларнинг Аллоҳнинг ҳақ динидан хабардор қилиш ва шу йўл билан Пар-вардигорлари розилигини топиш бўлган. Шунинг учун уларнинг дуо-си ижобат бўлган: олимларни хорлаган-лар, уларга азият етказганлар тезда Аллоҳдан жазола-рини олишган. Улуғ уламолар, мазҳаб соҳибларининг ҳаётларидан озгина хабардор бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Куфа ҳукмдори Язид ибн Умар ибн Ҳубайра Абу Ҳанифани Куфа қозилигига қўймоқчи бўлганида у киши бундан бош тортдилар. Таклифига кўндиролмаган амир Имом Аъзамни (Абу Ҳанифани) қамаб қўйиб, ҳар куни ўн даррадан уришга буюради. Олим шунда ҳам фикридан қайтмади. Охири амир улуғ имомга таслим бўлишдан бошқа чора топа олмади.

Имом Моликнинг бошларига ҳам шундай мусибат тушган: ҳасад ва кўролмасликдан одамлар у кишига нисбатан фитна ва иғво уюштиришган. Ўша пайтдаги халифа Мансурнинг амакиси Жаъфар ибн Сулаймон иғвога учиб, имом Моликни жазолашга фармон бе-

ради. У кишини яланғочлаб, қамчилашга тушишади. Қўлларида қаттиқ тортиб, куракларини ҳам чиқариб юборишади. Бу воқеа Ислом оламида қаттиқ норозиликка сабаб бўлади ва буни яхши англаган халифа Мансур волиий Жаъфарни ишдан бўшатиб, пойтахтга олдириб келиб жазолайди.

Имом Шофеъий Нажрондаликларида ифвогарлар фитнаси туфайли давлатга қарши чиқишда айбланади, Тўққизта алавий билан бирга ушланиб, пойтахт Бағдодга юборилади. Ўша пайтда Ҳорун ар-Рашид халифа эди. Ушланганларнинг бари сўроқ қилиниб, боши танасидан жудо қилинади. Аллоҳ таолонинг лутфу инояти билан Шофеъийнинг ўткир заковати ва ҳушёрлиги сабабли қил устида турган ҳаёти омон қолади. Халифа унинг ҳақ гапларидан қаноат ҳосил қилиб, ўзига насиҳат қилишни сўрайди. Ваъзни эшитиб йиғлайди ва Имомга эллик минг динар бериб, от миндиради.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг қисмати ҳам буларникидан қолишмаган. Олдинига халифа Маъмун, унинг вафотидан кейин унинг укаси Мўътасим мўътазила фирқасининг таъсирида имом Аҳмадга нисбатан фитна уюштиришади ва уни икки йилдан ортиқроқ қамокда ушлаб туришади. Ҳар гал Имомнинг иродасини синдириш учун Мўътасим одамлари билан келиб уни ўзи сўроқ қилар, гапига кўндира олмагач, дарра уришга буйруқ берар эди. Калтак зарбидан ҳушидан кетган олимни яна қамокқа олиб кетишар, эртасига бу иш яна такрорланарди. Тарихчилар шу иш билан боғлиқ ушбу ривоятни келтиришади: "Бир куни калтак зарбидан ҳушидан кетаётган Имомнинг қулоғига фитнабоши Ибн Абу Довуд: "Эй Аҳмад, қулоғимга "Қуръон – махлуқ" деб қўйгин, сени халифанинг қўлидан қутқариб қоламан", дейди. Шунда Имом Аҳмад бошини аранг кўтариб: "Эй Ибн Абу Довуд, қулоғимга "Қуръон – Аллоҳнинг каломи, махлуқ эмас" деб қўйгин, сени Аллоҳнинг азобидан қутқариб қоламан", дедилар. Бу воқеа халифанинг тавба қилиши, фитнабоши Ибн Абу Довуд ва шеригининг қатл қилиниши ҳамда имом Аҳмаднинг эъзозланиши билан тугади.

Бир куни Бухоро амири имом Бухорийга элчи жўнатиб, "Менга "Саҳиҳ" ва "Тарих" китобларини келтириб, ўқиб берсин", деб буюради. Бу гапи ўтмагач, "Саройга мунтазам келиб, менга, фарзандларимга ва бутун оиламга дарс берсин", деб одам юборади. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ унинг буйруғини рад этиб, "Ал-илму юъта вала яътий", яъни "Илмга келинади, лекин унинг ўзи бормаиди", дейдилар. Ривоят қилинишича, амирнинг таклифи Имом Бухорийни ранжитади, у киши элчига шундай тайинлайдилар: "Унга бориб айт мен илми хор қилиб, султонларнинг эшигига китоб кўтариб бормаيمان. Башарти, унга илмдан бирор нарса керак бўлса, масжидимга ёки уйимга келсин", деб тайинлайдилар.

Олимнинг бу гапидан қаттиқ ғазабланган амир Имом Бухорийни шаҳардан бадарға қилиш ва туғилган ватанидан воз кечтириш ҳақида ҳукм чиқарди. Бу фармон кексайган чоғида руҳий хотиржамликка ва она

юрт дийдорига муштоқ кўнгилни яралади, уни оромидан махрум этди, шусиз ҳам оромсиз ва нотинч кечаётган ҳаётини остин-устин қилиб юборди. Нафслари қон қақшади, иззатлари поймол бўлди, илмлари хорланди, ўксик диллари ўртанди. Аллоҳга илтижо билан дуо қилиш учун қўллари беихтиёр баландга кўтарилди. Зулмнинг шиддатидан Аллоҳга қилинган мақбул дуолар чинқариб овоз чиқариб юборди: "Аллоҳим, золимларнинг зулмини фақат Ўзинг даф қилишга қодирсан! Уларнинг жазосини бер, улар менга қасд қилган нарсаларни ўзларига ҳам, бола-чақаларига ҳам, аҳли аёлларига ҳам кўрсат!!" Аллоҳ суйган банданинг илтижолари Аллоҳ ҳузурида ижобат бўлди: дуолари ўша хоинларнинг кўксига найзадек қадалди. Абу Бакр ибн Амр Бухорий шундай ривоят қилади: "Золим амир Холидга Хуросондаги Тоҳирийлар давлатининг буйруғи келиб, ўша буйруқда Холидни хору шарманда қилиш учун урғочи эшакка миндириб, бутун шаҳарни айлантриб сазойи қилиш ва шундан сўнг хорлик ҳолида зиндонбанд қилиш айтилган эди. Ҳукм ижро қилиниб, амир хор ва расво ҳолатда ўлим топди".

Аммо амирлар орасида ҳам, оддий халқ ичида ҳам мутлоқ кўпчилик олимларга чексиз эҳтиром кўрсатган, уларнинг шаъни ва мақомини асраган, олимларнинг хизматини қилган, эҳтиёжларини адо этган, хулласи олимлик ҳайбати ва виқорига муносиб иш тутган. Бунга эса тарихда мисоллар тўлиб-тошиб ётибди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг уловлари тизгинини ушлаб, унга минишларида ёрдам бературиб бундай деганлар: "Уламоларга шундай хизмат қилишга буюрилганмиз. Агар шогирд улўғлик сифатига етмай туриб, ундан фахрланиб кибрланса, жоҳилдир. Зеро, илм-ҳикмат мўмин кишининг йўқотган нарсасидир, қачон топса, уни олишга ҳақли".

"Ҳидоя" муаллифи, шайхулислом Бурҳониддин Марғиноний ҳикоя қиладилар: "Бухорои шарифнинг улўғ олимларидан бирлари дарс халқасида эдилар. Дарс асносида гоҳо ўринларидан туриб қўяр эдилар. Зийрак толиблар бунинг сабабини сўрашди. У зот камоли эҳтиром билан: "Меҳрибон устозимнинг фарзандлари кўчада болалар билан ўйнаб юрибдилар. Гоҳида ўйин билан машғул ҳолда эшик олдида келсалар, устозим ҳурматидан дарҳол ўрнимдан туряпман", деб жавоб қилдилар.

Яна ҳикоя қилишадики, Имом Бухорий (раҳимахуллоҳ) бир муддат Маккаи мукаррамада дарс берганлар. Бир зиёратчи Имом ҳазратларига Бухорои шарифдаги устозларидан салом ва мактуб келтиради. Шунда Имом Бухорий зиёратчининг устозлар юртидан келганини билиб, уни қучоқ очиб кутиб олганлар ва чексиз эҳтиром кўрсатиб меҳмон қилганлар. Ундан салом хабарини эшитганларида Бухорои шариф томонга юзланиб, саломга алик олганлар ва табарруқона мактубни икки қўллаб олиб, эҳтиром билан танишиб чиққанлар.

Марвлик қози Имом Фаҳриддин ал-Арсобандий ви-

лоятдаги барча олимларнинг раиси эди, у зотни Марв султони ҳам қаттиқ ҳурмат қилар эди. Шу киши айтган эканлар: "Устозимнинг дуолари баракотидангина шундай мартабага эришдим. Ҳмиша устоз хизматларини ва ҳурматларини ўринлатишга интилдим. Устозим қози Имом Абу Язид Дабусий хизматларига қуш мисоли учар эдим. Кийимларини ювиб, пойабзалларини тозалаб, таомларини ҳозирлар, устоз овқатланиб бўлгунларича ўзим тановул қилмас эдим".

Бухоронинг Мир Араб мадрасасида ўтган аср ўрталарида Шаҳобиддин қори исмли улўф мударрис кўп йиллар дарс берганлар. Шу зотнинг ҳикоя қилишларича, ҳар куни эрталаб турсалар барча устозларнинг ҳужра эшиги олдида қолдирган пойафзаллари ювилиб, тозалаб қўйилар экан. Кимдир бу билан чекланмай ҳатто ҳожатхоналарни тозалаб, таҳоратга сув иситиб қўя бошлабди. Буним ким қилаётганини билмоқчи бўлиб кўп пойлашибди, лекин бу ҳиммати улўф шогирд ўзини ҳеч кўрсатмабди. Ниҳоят бир куни уни "қўлга туширишибди". Андижонлик бир талаба экан. Шаҳобиддин қори хижолатликдан ерга қараб турган шогирдга "Қиблага қараб, қўлингни дуога оч", дебдилар. У айтганларини қилибди. "Ўзинг ҳам олим бўл, зурриёдларингдан ҳам фақат олимлар чиқсин", деб дуо қилибдилар. Дарҳақиқат, устозлар дуоси ижобат бўлиб, бу зотнинг ўзлари ҳам олим бўлдилар, фарзандлари ҳам олим бўлишди, ҳатто бир фарзандлари дунёга машҳур аллома бўлиб етишди, набиралари ҳам исломий илм соҳиблари бўлиб улғайишди.

Ҳазрат Али розийаллоҳу анҳу илм ўрганувчига қарата бундай деганлар: «Олимнинг сендаги ҳақларидан бири – сен одамларга омматан салом бериб, муаллимга хос салом беришингдир. Унинг рўбарўсида ўтиришинг, унинг ҳузурида қўлинг билан ишора этмаслигинг, кўзингни қисмаслигинг, устозга керагидан зиёда савол бермаслигинг, жавоб беришида унга ёрдам бермаслигинг, агар хоҳламаса, унга қайта-қайта савол бермаслигинг, устоз туришга ҳаракат қилганда унинг кийимларидан ушламаслигинг, унинг сир-асрорларини фош этмаслигинг, устоз ҳузурида бирон-бир кишини ғийбат қилмаслигинг, уни бирон-бир масалада хато қилишини ҳеч қачон тиламаслигинг, устоз агар ногоҳ адашса, узрини қабул этишинг, устозга қарата: «Мен фалончи бундай деганини эшитдим» ёки «Фалончи сизнинг хилофингизга гапирди», деб айтмаслигинг, устоз ҳузурида бирон-бир олимни тавсифламаслигинг, узун суҳбатидан ҳеч қачон малолга келмаслигинг, устоз хизматида ўзингни олиб қочмаслигинг лозим бўлади. Устознинг бирон ҳожати чиқиб қолса, уни адо этиш учун барча қавмлар чопишади. Устоз гўё бир ҳурмо дарахтига ўхшайдики, сен ундан бирон нарса тушишини пойлаб турасан".

Олимнинг ҳайбати ҳар қандай улкан мансаб эгасининг, жаҳонга донғи кетган подшоҳнинг ҳайбатидан улўфвордир, виқорлидир. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф "Фикҳий йўналишлар ва китоблар" асарида Саъид ибн Ҳинд Андалусийнинг шундай де-

ганини келтирадилар: "Мен халифа Абдурраҳмон ибн Муовиядек ҳайбатли одамни кўрмаган эдим. Аммо Имом Моликнинг олдиларига кирганимда у кишининг ҳайбати олдида Ибн Муовиянинг ҳайбати ҳеч нарса бўлмай қолди".

Имом Моликдаги ҳайбат ва виқор илмнинг ҳайбати ва виқори эди. Имом Шофеъийнинг ёшлиқда Имом Моликдан дарс олмоқчи бўлиб, у зотнинг ҳузурларига борганлари ҳикоясининг ўзи фикримизга ёрқин далилдир. Буним Имом Шофеъийнинг ўзлари шундай ҳикоя қиладилар:

"Мақка волийи (ҳокими) олдида кириб, ундан Мадина волийига ва имом Моликка мактуб ёздириб олдим. Мадинага келгач, мактубни волийга бердим. Волий мактубни ўқиб бўлиб, "Эй йигит, менга Молик ибн Анаснинг эшигига боришдан Мадинадан Мақкагача пиёда борганим афзалроқ", деди. Мен: "Аллоҳ аминнинг ишини ўнг қилсин, агар одам юбориб чақиртирсангиз ҳам бўлади-ку!" дедим. "Нималар деяпсан, бундан кўра одамларим билан Ақиқ тупроғини кечиб, бирор ишни уддалаб келиш менга осонроқ бўлади", деди волий.

Моликнинг уйига асрга боришга келишдик ва уловларимизни миниб йўлга чиқдик. Амир айтганидек, тупроқ кечиб бордик. Бир шеригимиз эшикни тақиллатди. Қора бир жория чиқди. Волий унга "Хожангга кириб, менинг эшик олдида турганимни айт!" деди. Қиз ичкарига кириб кетиб, ҳаяллаб чиқди ва: "Хожам сизга салом айтдилар. Саволингиз бўлса, қоғозга ёзиб берсангиз, жавоби чиқар экан. Гаплашмоқчи бўлсангиз, мажлис кунини ўзингиз биласиз, ўша куни келар экансиз", деди.

Амир қизга: "У кишига менда Мақка волийининг муҳим мактуби борлигини айт", деди. Қиз кириб, бироздан сўнг қўлида курси билан қайтиб чиқди ва уни ерга қўйди. Сўнгра имом Молик виқор ва ҳайбат билан чиқиб келди. У киши узун бўйли, хушқомат эканлар. Курсига яхшилаб жойлашиб ўтирдилар. Волий мактубни узатди. Имом уни ўқиб, "бу одам бундай киши, унга уни қил, буним қил" деган жойига келганда мактубни улоқтириб юбордилар ва: "Субҳаналлоҳ, Расулulloҳнинг илми ҳам восита билан олинадиган бўлдимиз?" дедилар. Волий тутилиб, гапини ҳам айтолмай қолди. Шунда мен олдинга чиқиб, ўз аҳволим ва ҳожатим ҳақида гапира бошладим. У киши менга бироз синовчан қараб турдилар-да: "Исминг нима?" дедилар. "Муҳаммад", дедим. У киши: "Эй Муҳаммад, Аллоҳга тақво қил, гуноҳлардан четда бўл, шунда шаънинг улўф бўлади", дедилар".

Ушбу мақолани Имом Раббонийнинг мана бу сўзлари билан якунлагим келди: "Паҳлавонга раҳмингиз келсин, чунки у бир куни кучдан қолмоғи мумкин. Бойга ҳам раҳмингиз келсин, чунки унинг бойлиги ҳам мангу эмас. Лекин кўпроқ олимга шафқат қилинг, у бечоранинг ўмири нодонлар орасида хору зорликда ўтиб кетмасин".

Аҳмад МУҲАММАД

ДЎСТИМ БИЛАН БАҲС

Менинг бир ажнабий дўстим бор, ўзи фан доктори. Илмий-фалсафий мавзуларда баҳс юритишни жуда яхши кўради. У билан баҳслашишдан қочмайману, аммо эътиқоди тўла шаклланмагани, мусулмонларнинг ғайбий нарсалар бўлмиш охират дунёси, қиёмат, жаннат ва дўзах, жаннатдаги ҳурлар ҳақидаги тушунчалари устидан кулишга ишқибозлиги туфайли “таги йўқ” саволларни беришидан безиллаб қолганман. Унинг борлиқ, коинот, буларнинг эгаси бўлмиш қудратли Зот Аллоҳ, Унинг яратувчилик қудрати, иймон ва тақдир ҳақидаги саволлари жуда кўп баҳсларимизга сабаб бўлган. У билан тортишишни тўхтатиш эса унинг янада кўпроқ чалғиб кетишига сабаб бўлмасмикин, деган андишада у билан суҳбат куришга мажбурман. Зора, у асл ҳақиқатни тушуниб етса, илоҳий қудратнинг маъносини англаса, адашиб-улоқиб юриш маҳсули бўлган сохта фикрларидан воз кеча олса, деган ни-
ятда яна унинг саволларига жавоб бера бошладим. У мени билағонлиги билан мот қилиб ташлашни кўзлаб, шундай савол берди:

– Мана, сизлар Аллоҳнинг мавжудлигини кўп таъкидлайсизлар ва бунинг исботи учун яратилиш мантиғи қонунини рўқач қиласизлар. Бунга кўра, ҳар бир нарсанинг ўз кашфиётчиси, ўз яратувчиси, ўз ижодкори бор. Агар газламани оладиган бўлсак, уни тўқувчи тўқиган, рассом унга гуллар чизган, хомашёсини деҳқон етиштирган. Бирор ҳайкал ёки бошқа санъат асарини олсак ҳам, ҳатто унинг муаллифи номаълум бўлса-да, барибир унинг ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганини яхши англаймиз. Агар шу мантиққа бўйсунадиган бўлсак, атрофдаги бутун борлиқ ҳам уни яратган қудратли Аллоҳ борлигига кучли далил бўлади.

– Ҳа, биз буни тасдиқлаймиз ва ўша буюк Яратувчига иймон келтирганмиз.

– Энди шундай мантиқий савол пайдо бўлади: у ҳолда Аллоҳнинг Ўзини ким яратган? Сизлар айтаётган ўша Аллоҳнинг яратувчиси



борми? Бу ҳақдаги фикрингни билмоқчиман, бунга қандай далилларни келтира оласан?

– Замон ва маконни яратган Аллоҳ таоло булардан анча юксакда туриши, яъни У замон ва макон қонунларига бўйсунмаслиги беш қўлдай аён-ку! Аллоҳни замон, макон ва унинг қонунларига боғлиқ ҳолда тасаввур қилишнинг ўзи ғирт бемаънилик бўлур эди. Чунки сабабиятлар қонунини яратган Аллоҳни бу қонунга бўйсундириш ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳар қандай мантиққа зид.

Сенинг гапларинг худди пружина устида юрадиган қўғирчоқнинг гапларига ўхшайди. Қўғирчоқ ўзини ясаган одамлар ҳам пружина устида юриши керак, деб ҳисоблайди. Агар унга «одамлар ўзларича мустақил юришади», дейилса, у: «Йўқ, бу мумкин эмас», дейди. Чунки у бирор нарсанинг ўз ҳолича юришини тасаввур қилолмайди, атрофидаги ҳамма нарсани пружина устида юрган ҳолида кўради. Сен ҳам ана шу қўғирчоққа ўхшайсан, атрофингдаги ҳамма нарса Буюк Холиққа муҳтож бўлгани сабабидангина Аллоҳ таоло яратувчи ва ўз ҳолича мавжуд эканини хаёлингга ҳам келтиролмайсан, тасаввур ҳам этолмайсан.

Сен гўёки Аллоҳ таоло одамлар орасига тушиш учун парашютга, пайғамбарлар ҳузурига бориш учун автобусга муҳтож, деб ўйлайдиган кишиларга ўхшайсан. Мен Аллоҳни бундай бемаъни фикрлардан ҳимоя қиламан: У ҳамма нарсага қодир ва Буюқдир.

Немис файласуфи Иммануил Кант ўзининг «Соф ақл қарама-қаршилиги» китобида ёзишча, инсон ақли амалда билимларнинг чексиз сарҳадларини қамраб олишга ожизлик қилади. Дарҳақиқат, ақл буюмлар ва ҳодисаларни қисман англаш учун яратилган. Шу боисдан ҳам ақл ҳар қанча зўр бўлмасин, Аллоҳ таолонинг мавжудлиги каби кенг қамровли тушунчани англаб етишга асло қодир эмас. Лекин биз Аллоҳни ақл билан эмас, қалб билан ҳис этамиз. Сувга ташналик сувнинг мавжудлигини исботлагани каби адолат учун интилишимиз – ана шу адолатнинг мавжудлигига бизнинг далилимиздир. Ер юзида адолат йўқ бўлса ҳам, у тантана қилиши керак. Бу эса фақатгина охиратда, адолатли Қози-Ҳакам ҳузуридагина амалга ошади.

Карл Маркс “ўтмишнинг улуғ мутафаккири” деб атаган мантиқ фанининг асосчиси, қадимий юнон файласуфи Арасту сабабларнинг бардавомлиги чексизлигидан ҳатто адашиб кетган. У айтадики, курси тахтадан ясалади, тахтани дарахтдан тилиб олинади, дарахт уруғдан ўсиб чиқади, уруғ экувчи томонидан тайёрланади ва ҳоказо. Унинг тан олишга мажбур бўлишча, бу давомийлик замонда чексиз ва охират барибир ўзининг биринчи манбаига олиб боради. Бу – яратувчига муҳтож бўлмаган ўша Яратувчини биз Аллоҳ деб атаймиз.

Машҳур сўфий олим Ибн Арабий «Яратувчининг ўзини ким яратган?» деган саволни рад этгани ҳолда бу савол телбаларнинг миёсидагина пайдо бўлиши мумкин, деган эди. Аллоҳ таоло – бу ҳамма нарсанинг мавжудлиги далилидир, бу мавжудликдан Аллоҳ таолонинг борлигига исбот ахтариш мумкин эмас. «Ёруғлик» дегани кунни англатади дейиш гўлликдир, лекин «кун» дейдиган бўлсак, албатта ёруғликни тушунамиз. Аллоҳнинг ўзи бундай дейди: «Мен далил келтираман, лекин Менинг Ўзимга далил йўқ».

Демак, бизнинг мавжудлигимизга, Ер, қуёш, юлдузлар, ойнинг мавжудлигига Аллоҳнинг ўзи далилдир. Аллоҳ таоло шундайин далилдирки, бунга исботнинг кераги йўқ. Чунки бу ўз ҳолича воқеъликдир ва у Ер юзидаги барча нарсаларнинг исботидир. Коинотнинг қатъий ва мустаҳкам тартибида, табиатнинг

бузилмас қонунларида, олам яралишининг гўзаллигида, бизни ўраб турган ҳамма нарсада – ҳаёт лаззатлари, дарахтларнинг япроғи, товуслар пати, капалаклар қаноти, гулларнинг хуш бўйи, булбуллар хониши, чақмоқнинг чақнаши, шамоллар шовқинида, кишиларнинг фикр ва амалларида, коинот деб аталмиш бу гўзал ва улуғ уйғунликдаги юлдузлар ва сайёраларнинг ўзаро боғлиқлигида Аллоҳ таоло кўриниб турибди. Агар биз буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан, тасодифан пайдо бўлиб қолган дейдиган бўлсак, алифбодаги ҳарф ва товушларни ҳавога сочиб юбориб, булар Вилям Шекспирнинг машҳур сонетига айланиб қолади, деб гўлларча ўйлайдиган кишиларга ўхшаб қоламиз.

Қуръон бизни бу бемаъни баҳслардан қисқа, аниқ ва ишонарли оятлар ёрдамида қайтаради: «Айт: “У – Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ Сомаддир. У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган” (Ихлос сураси, 1-4 оятлар. Қуръон карим оятларининг маъно таржимаси шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири Ҳилол”и асосида берилди).

Шундан сўнг дўстим кулиб туриб сўради:

– Сизлар нега Аллоҳ ягонадир, деб таъкидлайсизлар? Нима учун худолар кўп бўлиши мумкин эмас? Шунда улар ўртасида машғулотларни тақсимлаб берса бўларди – бир худо одамларники, бошқаси – ҳайвонотники; учинчиси – Қуёш худоси ва ҳоказо бўларди.

Дўстимизни Қуръон карим оятлари ишонтира олмади, шекилли. Демак унга фан соҳасидан далил-исботлар керак:

– Яратувчи Холиқ, яъни Аллоҳ таоло – ягонадир. Чунки бутун олам бир моддадан ва ягона режа асосида яратилган. Водородни «ассимиляция» қилиш ва атом қувватидан фойдаланиш йўли билан Менделеев жадвалидаги 92 кимёвий элемент пайдо бўлган. Ана шу водород билан самодаги юлдузлар чарақлайди, кўкда қуёш нур сочади. Шунингдек, Ердаги бутун ҳаёт углеводороднинг кимёвий бирикмаларидан ташкил топган. Шунинг учун ҳам ҳайвонот ва ўсимлик оламининг барча турлари ёнганда кўмирга айланади.

Қурбақа, қуён, кабутар, тимсоҳ, жирафа, кит, туя каби ҳайвонларнинг ички тузилиши

шуни исботлаб турибдики, барча тирик мавжудот ягона тузилиш-режа асосида яратилган экан. Уларнинг ҳар бири кўриш, эшитиш, хид билиш қобилиятига эга, ҳаммасида скелет бор. Уларда бир хил томирлар, шоҳ қон томири, юрак, суяклар, мускуллар ва ҳоказолар бор. Бир ҳайвоннинг суяги бошқасиникидан фарқ қилмайди. Масалан, суяк таркиби жиҳатидан кабутарнинг қаноти қурбақа чаканагининг айнан ўзгинаси. Биз жирафанинг узун бўйнидаги еттита умуртқа суягини типратиканнинг калтагина бўйнида ҳам кўрамиз. Барча ҳайвонларнинг асаб мажмуаси бош мия, умуртқа мияси ва асаб томирларидан ибодат. Ҳамма ҳайвонотнинг овқат ҳазм қилиш мажмуаси ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, йўғон ва ингичка ичаклардан, жинсий аъзолари эса – аёллик тухумдони, матка, эркаклик уруғдони ва тухумлардан, сийдик системаси эса – буйрак, сийдик халтаси ва ариқчаларидан ибрат.

Ўсимлик, ҳайвонот ва микротаначаларнинг бутун улкан ранг-баранг оламида улар тузилишининг ягоналигини кўриш мумкин. Бу шунда кўринадики, деярли барча мавжудотларнинг тузилиши ва ривож асосида биологик таркибий бирлик – ҳужайра ётади. Мавжудотлар таркибининг бир хил экани органик дунёнинг келиб чиқиши бир хил эканини кўрсатувчи муҳим умумбиологик қонуниятлардандир. Уларнинг ҳаммаси нафас олиш, ўлиш, туғилиш, кўпайиш каби хусусиятларга эгаллиги ҳам улар келиб чиқишининг бир хил бўлганига далилдир. Биз ана шу кўрган ва билганларимиздан сўнг Яратувчи ягона десак, бунга нега ажабланиш керак?

Нима учун Мукамал Зот кўп сонли бўлиши керак? Унда камчилик бормидики, У ана шу камчиликини йўқотиш ёки тузатишга муҳтож бўлса! Ахир нуқсони, камчилиги бор нарсанинг кўп бўлиш маълум-ку!

Бордию, худолар кўпчилик бўлса, улар орасида ихтилофлар чиқиб, ҳар қайсиси ўзига тегишлисини ўзи тортиб кетган, олам вайронага айланган бўлмасмиди?! Аллоҳ таоло буюкларнинг буюги, ҳамма нарсага қодир Зот! Шунинг учун унга шерик керак эмас!

Дўстим бизнинг Аллоҳ таоло ҳақидаги тушунчаларимиздан кулиб, сўзида давом этди:

– Ҳамма майда-чуйда ва улкан ишларга аралашадиган, ўз эгалари ва уйларини билишлари учун ҳайвонлар ақлини бошқарадиган, ҳатто асаларига «тоғдан ўзига макон қилишни» уқтирадиган, Унинг изнисиз дарахтдан бирорта япроқ тушмайдиган, шохдаги ҳар бир куртак ҳисобида турадиган, Унинг изнисиз бирорта ҳомиладор қорнидаги юкини кўтариб юролмайдиган ва туғолмайдиган Худо ғалати кўринмайдими? Агар овқатга пашша тушиб кетган бўлса, буни ҳам У амр қилган бўлади, ёмғир ёғмаса ҳам У тўхтатган бўлади. Сизлар ўз тушунчаларингиз билан Уни ҳаддан ташқари кўп арзимас ишлар билан бутунлай банд этиб қўймайасизларми?

Дўстимни диққат билан тинглагач, унга шундай жавоб қайтардим:

– Сенингча агар У ўзини бу масъулиятлардан озод қилиб, Ўзи яратган оламга тескари ўгирилиб олса ва уни тақдир ҳукмига ташлаб қўйса, Роббимиз илоҳликка қодир бўла олармиди? Агар У сен ўйлагандай бекорчи бўлиб олиб, ҳеч нарсани кўрмаса, эшитмаса, яратган мавжудотларининг ноласига жавоб қайтармаса, Илоҳ бўла олармиди? Сен бирор ишнинг муҳимлигини ва бошқаси кераксизлигини, Худо нимага аралашини керагу нимага аралашмаслиги зарурлигини қандай аниқлайсан?

Сен арзимас ва безарар махлуқ ҳисоблайдиган пашша тарих йўналишини ўзгартириб юбориши мумкин-ку! Тасаввур қилгинки, у овқатга тушиб кетди, дейлик. Сенингча арзимас туюлган бу ҳолат воқеалар ривожига катта таъсир ўтказиши мумкин. Қандай қилиб дейсанми? Агар пашша армияга мўлжалланган овқатга тушса, бутун армияга ичбуруғ ёки вабо тарқатиши мумкин. Жангчилар шу сабаб билан жангда мағлуб бўлиши ва тарихни ўзгартириб юборишлари мумкин. Ахир буюк Искандар оддий чивиндан ҳалок бўлган-ку!

Арзимас муқаддима фожиали хотимага олиб бориши мумкин. Фожиали муқаддима эса хайрли тугаши ҳам мумкин. Буни билгувчи – Ягона Аллоҳнинг ўзи!

Русчадан таржима.

Миянма мусулмонлари қирғинбаротга учрашмоқда

Йигирма биринчи асрга келиб инсоният дунёнинг жуда кўп мамлакатларида мусулмонларнинг зулм ва зўравонлик, камситиш ва ҳўрлаш, тўхмат ва балоларга гирифтор бўлаётгани ҳақидаги хабар ва маълумотларга кўникиб кетди ва бу ҳақда унча изтиробга тушмайдиган ҳам бўлиб қолди. Ироқ, Афғонистон, Фаластин, Сурия, Африканинг бир қатор мамлакатларида янги асрда содир бўлган хунрезликларнинг яраси ҳали битмай туриб, жаҳон жамоатчилиги Жанубий-шарқий Осиёдаги Миянмадан (собиқ Бирма) келаётган бирибидан аламли хабарларни ҳам аллақандай хотиржам кузатиб турибди. Тарновга тиқилиб қолган битта мушук ёки машина уриб юборган ит воқеасига бутун-бутун саҳифаларни ажратадиган “холислик” даъвосидаги ғарб матбуоти ҳам негадир бу борада сукут сақлашни афзал кўрмоқда. Нима бўлганда ҳам сўнгги пайтларда айрим инсофли оммавий ахборот воситалари олдинлари Бирма деб аталган Миянмада мусулмонларнинг буддавийлар томонидан оммавий таъқиб ва қирғин қилинаётгани ҳақидаги нохуш ҳамда мудҳиш хабарларни тез-тез тарқатишяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус маърузачиси Томас Ожеа Куинтана шу йил март ойида Миянмада озчилик мусулмонларнинг ҳолати ва мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг аҳволи ҳақидаги маърузасини тақдим этди. У Бирма ҳукумати содир бўлаётган воқеаларнинг бор ҳақиқатини очишга ҳамда зулм ва бедодлик айбдорларини жазолашга чақирди. Жаноб Куинтананинг айтишича, бу оммавий қирғинларга жавобгарларни Миянма ҳуқуқ органлари зобитлари орасидан ахтариш лозим. Бунга жавобан Миянманинг БМТдаги расмий вакили Маунг Вай тўқнашувларда мусулмон рохинялардан ташқари бошқалар ҳам зулм кўраётгани ва муаммо махсус комиссия томонидан ўрганилаётганидан бошқа маънилироқ гап айта олмади.

Amnesty International халқаро ташкилотининг маърузасида айтилишича, Миянманинг Аракан штатида милонинг саккизинчи асрдан буён яшаб келган Ислон динидаги рохиняларни ҳар томонлама таъқиб қилиш ва уларга зулм ўтказиш анчадан буён давом этиб келмоқда. Аммо бу ҳолат кейинги икки-уч ой ичида

янада кескинлашди. Кўпчиликни ташкил этувчи этник буддавийлар мусулмонларга ўта душманлик кайфиятида. Ракхайн миллатига мансуб буддавийлар ҳамда армия ва ҳуқуқ органлари мусулмон рохиняларни ҳар томонлама тазйиққа оляпти. Мусулмонларни калтаклаш, уларни ўлдириш, масжидларига ва бошқа ибодат жойларига ўт қўйиш, аёлларини зўрлаш одатий ҳолга айланиб қолди. Миянма ҳукумати эса шунча йилдан буён бу ерда яшаб келаётган мусулмон рохиняларни қўшни Бангладешдан ноқонуний қочиб келган қочоқлар санаб, уларга фуқаролик беришдан бош тортиб келяпти.

Миянмада буддавийлар ва мусулмонлар ўртасидаги тўқнашувлар бир ярим йилдан бери тўхтамаётир. Биргина март ойининг охириги ўн кунлигида қутурган буддавийлар қирқ уч нафар мусулмонни ўлдиришди, мусулмонларнинг бир минг уч юздан ортиқ уйларига ўт қўйиб юборишди. Юз минглаб мусулмонлар яшаб турган уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлишди. Бирма ҳукумати тўқнашувлар сабабли Баго вилоятидаги яна учта аҳоли пунктида комендантлик соати жорий этишга мажбур бўлди. Диний можаролар ҳатто мамлакатнинг қадимий пойтахти Янгонагача етиб борди.

Айни пайтда Ислон Конференцияси Ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўғли яқинда жаҳон ҳамжамиятини Миянмада мусулмонларга нисбатан қилинаётган зулм ва зўравонликларга лоқайд қарамасликка чақирди. Бош котиб рохиня миллатига мансуб мусулмонларга қарши зўравонликни кескин қоралади ва Миянма президенти Тейну Сейнуга ҳамда муҳолифат раҳбари Аун Сан Су Чжига зулмни зудлик билан тўхтатишни сўраб, мактуб юборди. Ўз навбатида Су Чжи янги парламентдаги нутқида зиддиятлар кемириб ётган мамлакатда этник жиҳатдан оз бўлган халқларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида қонунлар қабул қилишга чақирди. Муҳолифат раҳбари, Нобел мукофоти соҳиби бўлмиш бу сиёсатчи хоним сўзлаган чиройли гапларнинг мусулмонларга мутлақо даҳли йўқ эди. Чунки Миянмадаги 135 этник озчиликнинг рўйхатида мусулмон рохинялар ҳатто эслаб ҳам ўтилмаган эди. Ислон Конференцияси Ташкилоти БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясидан Миянмага тергов делегацияси юборишни сўради.

Миянма давлат телевидениесининг хабарига кўра, “тартиб бузувчилар” мамлакатдаги “диний кўринишдаги бинолар”га, дўконлар ва турар жойларга ҳужум қилишган. Аммо воқеаларни ташвиш билан кузатиб турган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари кўп ҳолларда масжидлар ва мусулмонлар яшаб турган уйлар вайрон қилинаётганини таъкидлашади. Маҳаллий муҳолифатчилар фикрига кўра, можарони бартараф этишга ҳукумат қодир эмас, бунга ҳатто полициянинг ҳам кучи етмаётир.

Эслатиб ўтамизки, асосан буддавийлар юрти ҳисобланган Миянмада бир миллионга яқин мусулмон истиқомат қилади ва улар мамлакат жами аҳолисининг тўрт фоиздан кўпроғини ташкил этади. Олтмиш миллионли аҳолининг тўқсон фоизи эса буддавийлик “дини”га эътиқод қилади. Мамлакат ҳукумати уларнинг кўпини ноқонуний муҳожирлар санаб, фуқаролик беришни истамаяпти. Озчилик мусулмонлар ва кўп сонли буддавийлар ўртасидаги муносабатлар анчадан буён ўта кескин бўлиб келган. Ўтган йилнинг июнидан бошлаб эса, бир-бирига душман гуруҳлар ўртасида очиқ тўқнашувлар бошланиб кетди.

“Ал-Жазира” телеканали хабарига кўра, март ойидаги мусулмонларга қарши уч кунлик юриш чоғида монахлар етакчилигидаги юзлаб жангари буддавийлар Миянма пойтахтидан шимолроқдаги Мейтхила шаҳрида калтак, чопқи ва қиличлар билан қуролланган ҳолда мусулмонларнинг масжидлари, дўконлари ва уйларини вайрон қила бошлашди. Шаҳардаги бешта масжид батамом яқсон қилинди. Ўнлаб мусулмонлар ўлдирилди, уларнинг юзлаби ярадор бўлди. Уларнинг ваҳшийлиги шу даражага бордики, масжидлар қошида таълим олаётган болаларни ўлдириб, ўша ерга осиб кетишди, ҳатто бир етимхонага ўт қўйиб юборишди. Ваҳоланки, юз минг аҳоли яшайдиган бу шаҳарнинг ўттиз фоиз аҳолиси мусулмонлардир.

Кона деган шаҳарда ҳам буддавийлар масжидни талон-тарож қилиб, кўпгина мусулмонларни ўлдиришди. Ўн минглаб мусулмонлар буддавийлар зўравонлигидан қочиб, қўшни Тайландда жон асраб қолишди. Аммо у ерда ҳам уларни “қучоқ очиб” кутишгани йўқ. Қочоқ муҳожирларнинг бир қанчасини тай армияси отиб ташлади, бир қанчаларини қул қилиб сотиб юборишди.

Энг қизиғи, полиция бу можароларга аралашмай, томошабин бўлиб туришни маъқул кўряпти. Сабаби, кўп сонли буддавийлар мусулмонларнинг Бангладешга қайтиб кетишини талаб қиляпти, Аммо Бангладеш ҳукумати бунча одамни қайтариб олишга рози эмас. Ҳатто маҳаллий муҳолифат ҳам мусулмонларни Бангладешга ҳайдаб чиқариш сиёсатини пинҳона қўллаб-қувватламоқда. “Нью-Йорк таймс” газетининг хабарига кўра, мусулмонларга қарши қатлиомлар шаҳар атрофидаги бошқа аҳоли масканларига ҳам ёйилмоқда.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Миянма ҳукуматининг жангари буддавийлар томонидан мусулмонларнинг қирғинбарот қилинишига ҳеч қандай чора кўрмай томошабин бўлиб туриши бежизга эмас. Ҳукуматнинг ўзи

мусулмонларга, айниқса уларнинг мамлакат ғарбида яшаётганларига нисбатан норасмий камситиш йўлини тутмоқда. Агар мусулмонлар оила қурмоқчи бўлишса, никоҳларини рўйхатдан ўтказиш учун бир неча юз доллар тўлашлари керак. Никоҳнигина ўқитиб, аммо расмий рўйхатдан ўтмай оила қурганлар беш йил қамоқ жазосини олишади. Сиёсий жиҳатдан ҳам мусулмонлар ҳар тарафлама ҳуқуқсиз: на парламантда, на давлат ҳокимияти органларида уларнинг бирорта жиддийроқ вакили бор. Ҳатто мухлофиат ҳам мусулмонларни қўллашга ботинмайди. Бироқ ҳукумат бундай сиёсатнинг мавжудлигини тан олмайди, Миянмадаги оз сонли миллатлар ва диндорлар бошқалар каби барча ҳуқуқларга эга, деб баёнот беришдан чарчамайди. Ислом ташкилоти фикрига кўра, расмий доиралар ҳатто мусулмонлар сонини ҳам анча камайтириб кўрсатади.

Миянмадаги фожиалар халқаро Ислом ташкилотларини бефарқ қолдирмаяпти. Улар мамлакат мусулмонларини барча доираларда қўллаб-қувватлаб, уларнинг манфаатларини ҳимоя этишяпти, бу ердаги мусулмонларнинг қирғинбарот қилинаётгани ҳақида жаҳон жамоатчилигини тинмай хабардор этишяпти. Зулмга учраган мусулмонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шундай ташкилотлардан бири, Россия Ислом қўмитаси раиси Ҳайдар Жамол ҳатто бу ҳақда расмий баёнот ҳам эълон қилди. Мазкур баёнотда, жумладан, шундай дейилади: “Миянмадаги мусулмонларга қарши жиноятлар ҳозиргина содир этилган зулмнинг тасо-дифий портлаши эмас. Бунинг тарихи жуда олис. Бу мамлакатда мусулмонларга қарши қатлиом 1942 йилги япон босқини пайтида содир қилиниб, ўшанда 100 000 киши қириб ташланган эди. Шундан кейин буддавийларнинг мусулмонларга қарши зўравонлиги мунтазам тус олди. Шу боис ҳозирги қон тўкишларга олиб келган қандайдир алоҳида сабаблар ёки фитналар ҳақида гапириш бефойдадир. Булар бутун минтақага хос бўлган Ислом билан кўрқитишнинг анъанавий амалга оширилишидир. Миянма ва Камбоджадан ташқари Тайландда ҳам мусулмонларга зулм қилинаётир.

Миянмадаги қирғинбаротлар ҳақида сукут сақлаб туришни оқлаб бўлмайди. Мусулмон мамлакатларнинг ички ишларига аралашидан бўшамаётган айрим му-стамлакачи давлатларнинг фаолиятсизлигини ҳам оқлаш мумкин эмас. Одамларнинг қатлиом қилиниши ва тириклай ёқиб юборилишини кўриб ҳам виждони уйғонмаётганларни оқлаб бўлмайди. Миянмада бугунги кунда инсонийликка қарши жиноят содир этаётган қотиллар ижтимоий мавқеи, дини ва ирқидан қатъи назар, албатта жазога тортилиши керак”.

*(Интернет материаллари асосида
Аҳмад Муҳаммад
ва Абу Муслим тайёрлашди)*

МИЛОДГАЧА БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР

Олимларнинг тахмин қилишларича, илк ибтидоий одамлар (неандерталлар) Яқин Шарқ ва Оврупада тахминан 100.000 йил олдин яшашган.

Бундан 9000 йил олдин Ҳиндистонда биринчи марта зиғирпоя толасидан газлама тўқилган.

Шарқий Юнонистоннинг (Греция) Кастория шаҳрида учраган топилдиқларга кўра, одамзот бундан 6000 йил олдин қайиқдан фойдаланиб, балиқ овлаган экан.

Мисрдаги Хеопс пирамидаси бундан 5000 йил олдин тикланган, унинг баландлиги 147 метр, ҳар бири минг тоннали 2300 дона яхлит тошлардан бунёд этилган.

Яҳудий ва насроний тарихчилари ҳисобларига кўра, Одам алайҳиссаломнинг яратилишидан то Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўчишларигача (ҳижратларигача) ўтган оралиқ вақт турли манбаларда 4742 ва 5992 йил кўрсатилган.

Бундан тахминан 3 – 3,5 минг йил олдин Хоразм, Сўғд, Бақтрия, Паркана (Фарғона) ерларида катта-кичик каналлар қазилган.

Мамлакатимизда шаҳарсозликка хос илк маҳобатли иншоотлар милоддан олдинги иккинчи мингйилликнинг 2-ярми ва биринчи мингйилликнинг бошларида барпо этила бошлаган.

Қуддус ҳақида илк маълумот милоддан олдинги 2-минг йилликнинг ўрталарига бориб тақалади. Қуддус шаҳри турли даврларда яҳудийлар подшоҳлиги, Македонияли Искандар, Салавкийлар, қадимги Рим, Византия, Араб халифалиги, Салибчилар, Айюбийлар, Мамлуқлар давлати ҳамда Усмонли турклар салтанати таркибига кирган.

Мусо алайҳиссалом даврида Миср подшоҳи Рамзес Иккинчининг номи Фиръавн бўлган, у ниҳоятда золим ҳукмдор бўлган, худоликни даъво қилган. Кейинчалик Мисрнинг бошқа ҳукмдорлари ҳам фиръавн деб атала бошлади. Фиръавнларнинг ўттиз бир сулоласи мавжуд. Охириги фиръавн милоддан аввалги 356-323 йиллари, македониялик Искандар Мисрни босиб олган пайтда ҳукмронлик қилган.

700 йил аввал Ҳиндистонда Брахма маданияти шаклланди. Шу даврларда Самарқанд шаҳри тилга олина бошлади.

Фарғона водийидаги Селенгур, Бухоро воҳасидаги Учтут, Оҳангарон дарёси соҳилидаги Кўкбулоқ ёдгорликлари милоддан 700–100 йил олдин яшаган қадимий одамлар ҳаётидан дарак берди.

Милоддан 700 йил олдин Ўрта Осиё халқлари Осурийлар томонида туриб Мидияга қарши курашишди.

Милоддан олдинги 600 йилларда ҳозирги Ўрта Осиё халқлари Аҳамонийлар Эронига қарам бўлиб қолишди.

519 йили хоразмийлар, суғдлар, саклар ва бақтрияликлар ҳақидаги биринчи ёзма қайдлар қилинди (Биситун қоясидаги Доро 1 ёзуви).

Милоддан олдинги бешинчи асрда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих" асарида Жайхун (Амударё) ва (Сайхун) Сирдарё оралиғида яшовчи ўтроқ массагет қабилалари ҳақида маълумот берилди.

600 йил илгари Эронда Зардушт исми бир файласуф томонидан оташпарастлик (мажусийлик) мазҳаби ўртага қўйилди.

571 йил олдин хитойликларга ўз мазҳабини ўргатган Конфуций туғилди.

555 йил олдин Ҳиндистонда Шақйо Моуни исми файласуф томонидан Будда деб аталган янги бир мазҳаб чиқарилди.

329 йил илгари Македонияли Александр Мовароуннаҳрда (Бақтрия ва Сўғдиёнада) пайдо бўлди, унга қарши Спитамен кўзғолони кўтарилди, 327 йили Искандар Ҳиндистонга юриш бошлади.

Милоддан аввалги 321 йили Бақтрия ва Сўғдиёна бир ҳокимликка бирлашди.

250 йиллар атрофида Парфия давлати ташкил топди.

250–140 йиллари Юнон-Бақтрия подшоҳлиги ҳукм юритди.

Пахтачилигимиз тарихи 2 – 2,5 минг йилга боради. Бундан 1300 – 1400 йиллар олдин Хоразм воҳасида, Тошкент ва Самарқандда, Фарғона водийида пахта экилган. 1890 йили 2 миллион пуд ҳосил олинган бўлса, 1915 йили бу кўрсаткич тўққиз баравар ошган.

Милоддан илгари иккинчи асрда қадимий Хитой қўлғезмаларида Тошкент ҳақидаги илк маълумотлар пайдо бўлди, турли манбаларда у «Ши», «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Бинкат», «Таркан» деб тилга олинди.

Милоддан олдинги 214 йили Хитой императори Син Ши Хуанди даврида Буюк Хитой девори қурила бошланди, унинг жами узунлиги 5000 километр, баландлиги 6,6 метр.

Милоддан аввалги 175–140 йиллари Шош, Хоразм, Сўғдиёна ўз ичига олган Қанғ давлати гуллаб-яшнади.

Милоддан олдинги иккинчи-биринчи асрларда илк Кушон даври бошланди.